Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

Газетамиз 1991 йил 1 январдан чиқа бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

5 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Сотувда эркин нархда

№ 216 (467). 1992 йил

Мураккаб шароитда раҳбарликни зиммасига олган юртбошимиз Ислом Каримов Рашидовнинг хизматларига холисона баҳо бериш фурсати етганини ўзига хос мардлик билан элга ошкор қилди.

Абдуҳошим МУТАЛОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

АДОЛАТ РЎЁБИ

Биз мазмун ва моҳият жиҳатидан тарихий кунларда яшамоқдамиз. Бу кунлар халқимиз мустақилликка эришган ва уни мустаҳкамлаш йўлида хормай-толмай меҳнат қилаётган бир пайтга тўғри келмоқда. Ўзбекистон тарихида мутлақо янги саҳифа очилди. Уни дунё тан олди. Чет давлатлар билан кенг миқёсда дипломатия ва савдо-иқтисодий алоқалари ўрнатилмоқда. Деярли барча халқаро ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ташкилотларнинг аъзоси бўлдик. Биз жаҳон ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида умуминсоний қонун-қоидалар асосида яшай бошладик.

Республикада янги сиёсий партиялар, ҳаракатлар, жамоалар пайдо бўлиб, ишимизда демократик принциплар қарор топмоқда. Ўзбекистонда кенг кўламда ўзига хос иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилятпи. Сўзсиз, бу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг тараққиётига, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги оғир даврида ҳукуматнинг асосий диққат-эътибори аҳолини иложи борича ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Бу эса ўтиш жараёнини бирмунча юмшатмоқда. Бундай инсонпарварлик ёндашувини ҳалқимиз тўғри тушуниб, ижобий баҳоламоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида биринчи бор ўзининг асосий қонуни — Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйди, давлатни бошқаришнинг демократик усуллари шаклланиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти нима, унга Ўзбекистон қайси йўл билан ўтади, бунда устувор йўналишлар нимадан иборат, деган саволларга биз ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласидан атрофлича жавоб топамиз. Истиқболимиз дастурий ҳужжати бўлиб қолган бу асарда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати концепцияси, республикани ривожлантиришнинг маънавий-аҳлоқий негизлари теран баён этилган.

Ўзбекистоннинг ҳақиқатан ҳам ўз йўли, тарихи, маданияти, маънавияти, табиий шароити, иқтисодий имкониятлари бор.

Ҳозирги мураккаб шароитда бизга бир нарса ишонч бағишлайди, у ҳам бўлса, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликдир. Тинчлик, осойишталик, бир-биримизга ҳурмат-эътибор бор экан, халқимиз бу қийин даврда ўз маданияти ва маънавиятини сақлаб қолади. Тинчлик бўлса, ҳаётимизни яхшилаш учун бизда барча имконият, шарт-шароит мавжуд.

Шу ўринда сабр-тоқатли, қийинчиликларга чидамли, олди-қочди гапларга учмайдиган, бирни кўриб мулоҳаза қиладиган, иккини кўриб хулоса чиқарадиган доно халқимизга самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Қадриятларимиз тикланяпти. Тарихга, шахслар фаолиятига умумжаҳон мезонлари талаблари асосида баҳо берила бошланди. Турон-Мовароуннаҳрда яшаб ўтган улуғ бобокалонларимиз меросининг халқимизга тўлалилигича қайтарилаётгани, миллий урф-одатларимизга кенг йўл очилаётгани қалб эҳтиёжи сифатида қабул қилинаётганини фақат табриклаш керак.

Социализм шароитида шахс фаолиятига баҳо беришда муросасиз муносабат ҳукмронлик қилди, одамлар икки қутбга ажратилди, ўртадаги учинчи йўл ёки муроса майдони йўқотилди. Шунга мувофиқ, шахс фаолияти ё пайғамбар даражасига чиқариб улуғланди, ё бутунлай қора бўёқларда ифодаланди. Ҳолбуки, табиатнинг нодир мўъжизаси, олмос қиррали фаолият соҳиби — инсон бундай сийқа ўлчовларга сиғмас эди. Натижада қанчалаб кишилар бадном этилди, қатағон қилинди.

Ўтмишга тўғри баҳо беришда ҳикмат кўп. У бугун ва келажакда бизни хатолардан асрайди.

Шароф Рашидов фаолиятига баҳо беришда ҳам юқоридагидек бирёқлама йўл тутилди. Унинг барча хизматлари рад этилди. Номи бадном қилинди. Афсуски, бу шўришлар у тириклигида эмас, балки вафотидан кейин, ҳатто қабрининг тупроғи совимасдан бошланиб кетди. Бу ҳатти-ҳаракатлар на мусулмончиликка, на оддий инсоний ахлоқ-одобга тўғри келарди.

«Шарофрашидовчилик» деган сунъий атаманинг тўқиб чиқарилгани, худди жиноят кодексидаги модда сингари бу айб билан кўплаб кишилар қатағон қилингани шунчаки англашилмовчилик эмас, балки мустабидлар 37-, 50-йилларда ўтказган қирғин, миллатнинг етук фарзандларини йўқ қилиш тадбири экани бугун маълум бўлиб қоляпти.

Шундай қилиб, замон ғилдираги тескари айлана бошлаган пайтларда кечагина соясига салом бериб юрганлар ҳам қоҳилнинг нариги томонига ўтиб, унга тош отишдан уялмадилар. Бироқ иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам кишилар унинг номини, хизматларини унутмадилар. Улар қаторида садоқатли шогирдлари, бирга ишлаган сафдошлари, ҳатто уни бирор марта кўрмаган, лекин буюклигини қалбан ҳис этган кўплаб кишилар бор эди. Унинг жасади дафн этилган ер катта-кичикнинг қадамжойига айланди. Бу халқнинг ўз фарзандига чинакам меҳри эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қатъияти, жасорати ҳали «қизил империя»нинг барбод бўлмаган кезлардаёқ самарасини бера бошлади. Мураккаб шароитда халққа раҳбарликни зиммага олган юртбошимиз жойларда бўлиб, одамлар қалбига қулоқ тутиб, Рашидовнинг хизматларига холисона баҳо бериш фурсати етганини, бу кўплаб кишиларнинг дил истаги эканини ҳис этиб, ўзига хос мардлик билан буни элга ошкор қилди.

Бу мустақилликка қадам қўйган мамлакатнинг тарихида нурли из қолдирган, тараққиёти ва равнақи йўлида катта ишлар қилган фарзандига миннатдорлиги эътирофи эди.

Ўзида ўзбек халқига хос меҳнатсеварлик, камтарлик, қилаверса улуғворлик, уддабуронлик, ишбилармонлик каби ажойиб хислатларни мужассамлаштирган инсон, Ўрта Осиёдаги аҳолиси энг кўп йирик давлатнинг обрўли раҳбари эди. Шароф Рашидовни оқлаш, уни халқимиз тарихи ва маънавиятида тутган ўрнига қўйиш — ҳозирги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган халқчил сиёсатнинг ёрқин намунасидир. Бу инсон ҳақ-ҳуқуқларини (ҳаётидан кейин бўлса ҳам) ҳимоя қилиш намунаси бўлиб, ҳуқуқий, халқчил жамият қуришдаги ишларимиздан биридир. Инсон — улуғ зот, унинг хотираси эса муқаддасдир.

Мустақил Ўзбекистон катта мақсадлар билан яшамоқда.

Истиқболда мисли сиз ишларни бажариш вазифаси турибди. Албатта, бу юмушларни адо этишда ҳамма нарсани йўқ жойдан бошлашга тўғри келмайди, бинобарин, бизнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзимиз, раҳбарлик тажрибамиз бор. Тажрибалар хазинасида Шароф Рашидов эришган муваффақиятлар катта ўрин тутади. Шу ўринда менда уни илоҳийлаштириш, пайғамбар даражасига кўтариш истаги йўқлигини эслатиб ўтишни истардим. Бир инсон сифатида яшаб ўтган, ўз имконияти даражасида муваффақиятга эришган, камчиликларга йўл қўйган, енгган-енгилган, барибир яхши ном қозонган зот биз билан бирга.

Аниқ бир тасаввур ҳосил қилиш учун, келинг, Ўзбекистоннинг Шароф Рашидов раҳбарлик қилган 60—80-йиллардаги тараққиёт даврини кўз олдимизга келтирайлик. Маълумки, унинг масъул лавозимда иш бошлаган даври шахсга сиғинишга қарши кураш муросасиз тус олган пайт эди. Шундай ҳолатда ҳам ишлар қизғин давом эттирилди. Ўзбекистонда деҳқончилик устун даражада ривожланди. Мирзачўл, Қарши, Марказий Фарғона ҳамда Сурхон—Шеробод чўлларининг бой ҳазинаси инсон манфаатларига бўйсундирилди. Ўтган 20 йил ичида 1335 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, 662 та совхоз ташкил этилди. Бу хўжаликларда катта ҳажмда қурилиш ишлари бажарилди. Уларда кўплаб поселкалар, юзлаб маданий-маиший муассасалар бунёд этилди.

Бунда Рашидовнинг хизмати катта, албатта. Бу ютуқлар марказ билан ҳисоблашиш, унинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришдек тазйиқ остида, айни бир пайтда миллий манфаатларни бой бермаслик тамойили асосида қўлга киритилди. Ўзбекистонни доимий хом ашё базасига айлантиришнинг оқибатлари аниқ эди. Ана шундай шароитда турли йўллар билан саноат ва техникалашган ишлаб чиқаришни жорий этишга ҳаракат қилинди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Шароф Рашидовда марказнинг темир иродасига қарши бора олиш салоҳияти ҳам бор эди. Кремль пахта яппи ҳосилини 6 миллион тоннага етказиш талабини қўйганида у Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга буриш масаласини ўртага ташлаб, лойиҳа ишлари бошлаб юборилишига эришди.

Шароф Рашидов Тошкентни севарди, уни дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш орзуси билан яшарди. Бу туйғу ифодасини 1966 йилги зилзиладан кейин қайта туғилган пойтахтнинг жамолига қараб тўла ҳис этиш мумкин. Эндиликда Мустақиллик, Халқлар дўстлиги, Ҳадра майдонлари бетимсол меъморчилиги билан кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Тошкентнинг бош майдони архитектураси ўша пайтда давлат мукофотини олди. Пойтахтда Чилонзор, Юнусобод, Қорақамиш каби янги даҳаларда кўплаб турар-жойлар бунёд этилди. Тошкент метрополитени қурилиши билан боғлиқ ташвишлар Ш. Рашидов фаолиятининг муҳим қирраларидан бирини ташкил этди. Ҳамма нарса марказнинг рухсати билан ҳал қилинадиган шароитда Ўрта Осиёда ягона замонавий ер ости қатнов воситасини қуришга рухсат ва маблағ олиш учун у озмунча заҳмат чекмади.

Шароф Рашидов Ўзбекистонда илм-маърифатнинг ҳомийси сифатида танилди. Адабиёт ва санъат ўнкунликлари, Тошкент руҳини бутун жаҳонга тараттан Осиё ва Африка ёзувчиларининг, шунингдек ана шу икки қитъа намояндалари конференцияларининг ўтказилиши анъана бўлиб қолди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали обрўли киноанжуманлар қаторида жаҳон маданияти тарихида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ш. Рашидов муҳим давлат ишлари билан қаттиқ банд бўлишига қарамай, бадиий ижодни тарк эмади. Унинг йирик асарлари кўпгина хорижий тилларга таржима қилинган.

Шароф Рашидов халқаро миқёсда обрў қозонган эди. У Совет Иттифоқи делегациясининг бошлиғи сифатида Куба, Жазоир, Мали, Индонезия, Ҳиндистон, Гвинея, Чили, КХДР, Италия, Австрия, Ирок, Болгария ва бошқа хорижий мамлакатларда бўлди.

Рашидовнинг бутун фаолияти, аввало, она Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган эди. Бугунги кунда эришган буюк бахтимиз — мустақиллик асрий орзулар ушалганидан далолатдир. Шубҳасиз, бу кунларни Шароф Рашидов ҳам орзу қилган эди.

Ўзбекистон мустақиллик байроғини баланд кўтарди. Ҳозирда ўзи танлаган йўлда дадил қадам ташламоқда. Қисқа муддатда Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилганини бутун жаҳон эътироф қилмоқда. Аввало шуни таъкидламоқчиманки, она юртимизнинг халқаро обрўйи ошиб бораётир. 130 га яқин давлат Ўзбекистонни тан олди. Ҳозир юртимизда 14 давлат элчихонаси ишлаб турибди.

Бизда ўзига хос улкан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жадал суръатлар билан бошланиб кетди. Сўзсиз, бу ислоҳотлар тараққиётга, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Лекин, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатни «Қизил империя»нинг қулаши оқибатида рўй берган, яъни юз бериши муқаррар бўлган бугунги танг аҳволдан олиб чиқиш бевосита ўзимизга боғлиқ. Биз бировлар байроқ қилиб юрган ёт шиорлардан нусха кўчирмадик. Бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор табақаларини ижтимоий ҳимоялашдан, одамларни асраб-авайлаб, етарли шарт-шароитлар яратиб беришдан бошлаяпмиз. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди! Халқининг ярми болалар, ёшлар бўлган давлатнинг бирданига бозор муносабатларига ўтиши осон эмас. Шуларни инобатга олиб, 1992 йилнинг ўзидагина бешта фармон чиқарилиб, аҳолининг эҳтиёжманд табақалари ва кўп болали оилаларни мустаҳкам ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: Шароф Рашидов таниқли қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматов ва покистонлик Файз Аҳмад Файз билан.

АҚШда президентликка сайловда Билл Клинтон ғолиб чиқди

Билл Клинтон 1946 йил 19 августда Арканзас штатининг Хоун шаҳрида туғилган. Университетнинг ҳуқуқшунослик факультетини, сўнгра аспирантурасини тугатган. 1977 йилда Арканзас штати бош прокурори лавозимида ишлади. 1978 йилда Арканзас штатининг губернатори этиб сайланди. 1980 йилда у губернаторлик сайловида қайта сайланмади. Бироқ 1982 йилги сайловда у номзодини қўйиб яна Арканзас штати губернатори этиб сайланди.

Америка халқи Президент сайлови компаниясини ниҳоясига етказди. Алоқаларимиз тобора ривож топаётган бу улкан давлат тутажак сиёсатга албатта бўлажак президент фаолиятининг таъсири катта бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон халқи уни қизиқиш билан кузатди.

Америка Қўшма Штатларининг Тошкентдаги элчихонаси ходимлари америкача сайлов билан таништириш ва президент сайловининг сўнгги босқичини тўғридан-тўғри телеалоқа ёрдамида намойиш қилиш учун элчихоналар, вазириклар, жамоат ташкилотлари вакиллари ва журналистларни элчихонага таклиф қилдилар.

Эрта соат 6 дан элчихона дарвозаси олдида ўзбек тўни кийиб олган американликлар меҳмонларни кутиб ола бошладилар.

Элчихонанинг байрамона байроқлар, гуллар, юзлаб турли рангдаги шарлар билан безатилган катта залига телевизорлар ўрнатилиб, унда Америкадан тўғри репортажлар олиб борилаяпти. Биз фурсатдан фойдаланиб Американинг Ўзбекистондаги элчиси Генри Ли Кларкни суҳбатга тортдик.

— Американинг уч забардаст фарзанди — Республикачилар номзоди Жорж Буш, демократ Билл Клинтон ва мустақил номзод Росс Пероларнинг президентликка бўлган сайлов компаниялари қизғин тусда олиб борилди. Фақат икки партия номзодлари бўйича олиб борилган компанияга 200 миллион доллар сарфланди.

Сайловга Америкача ёндошишнинг яна бир тарафи шуки — сайлов сизлардагидек дам олиш эмас, иш куни деб юритилади. Сайловлар мактабларда ўтказилади. У ерда мутлақо махфий ҳолдаги махсус кабиналар ўрнатилганлиги сайловни сир тутиб ўтказишликка имкон берса, унинг электрон асбоблар билан жиҳозланганлиги катта қулайлик туғдиради. Сайловчи ўз номзоди қаршисидаги тугмани босиб, яна бир дастакни тортиб уни рўйхатдан ўтказади. Дастакни қўйиб юборгач, экрандаги ёзув ўчиб, парда очилади. Бу билан ишнинг махфийлигини сақлашга имкон яратилади. Алоқа воситаларининг ўта замонавий техника билан жиҳозланганлиги эса қисқа муддатда сайлов якунларини чиқариш имконини беради.

Соат миллари 7 га яқинлашиб бораяпти. Бизда эрта тонг бўлса, бу вақтда Америкада энди кеч кириб, сайлов участкалари овозларни компьютерлар ёрдамида ҳисоблаб, натижаларни алоқа йўлдошлари орқали оламга йўллаб турибди.

Экранда Америка харитаси намойиш қилиниб, унда шарқий штатларда ниҳоясига етган сайловлар натижаси эълон қилиниб борилаяпти. Барчанинг юзидан ҳаяжон сезилиб турибди. Вақти-вақти билан қувончга тўлган қичқириғу, чапак ва кулги эшитилади.

Биз бу ерда ҳозир бўлган Покистон, Ҳиндистон, Германия каби кўплаб давлатлар вакиллари билан суҳбатлашамиз. Уларнинг барчаси узоқ Америкадан келаётган хабарлар катта қизиқиш уйғотаётганини, Америка мана 200 йилдан ортиқ давр мобайнида демократия учун курашиб, ижобий натижаларга эришганини, бугунги сайловлар ҳам шуни кўрсатаётганини таъкидлайдилар.

Яна барчанинг нигоҳи телевизор экранларида.

Жанубий штатлардан келган хабарлардан сўнг президентликка номзод Билл Клинтоннинг тарафдорлари анчайин кўплиги маълум бўлиб қолди. Залда яна қарсаклар янграйди. Бир-бирини табриклаганлар ҳам кўп.

Экранда бир Билл Клинтонга овоз бераётган штатлар сайлов участкаларидаги шодонлик намойиш қилинса, бир Буш ва Перо тарафдорлари залларидаги сокинлик намойиш қилинади. Ҳали ғарбий штатлар Аляска, Гавай оролларида аҳолиси овоз бермай туриб, Американинг янги президенти демократлар партияси номзоди, шу дақиқагача Арканзас штатининг губернатори Билл Клинтон эканлиги маълум бўлади. Йиғилганлар бу хабарни қарсаклар билан қаршиладилар.

Телеэкранда Билл Клинтон эмас; чарақлаб кулиб турган Жорж Бушнинг юзи пайдо бўлади. У рақиби Билл Клинтонни олижаноблик билан мубораббод этиб, унинг Америка равнақи йўлида олиб боражак ишларида катта зафарлар тилади. У доимо янги президент учун ёрдамга тайёр эканлигини айтиб, унинг ишларига Худодан омад тилади. Перо табриги ҳам намойиш қилинди.

Шундан сўнг Билл Клинтоннинг Арканзас штатидаги қароргоҳидан Росс Перо ва Жорж Бушларга табриклари учун миннатдорчилиги янграйди. У қўллаб-қувватлаганликлари учун бутун Америка халқига ташаккур изҳор қилиб, «мамлакат ривожи, халқ бахти учун курашиш ҳаётимнинг асосий мақсади бўлади», — деди.

Маъмур НАЗАР,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУШТАРАК МАНФААТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Мутапов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг муовини М. Воизийни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири муовини Ф. Тешабоев, Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги муваккат ишлар вакили С. М. Мусо Ҳошимий Гулпоёгоний ҳозир бўлишди.

(ЎзА).

ЛАҚ КАЛОМНИ КИ АЙТГУВЧИ ОЛЛОҲИМСАН—ХАЛҚ

УМРНИНГ ОЙДИН ЙЎЛЛАРИ

- У 1917 йил 6 ноябрда Жиззах шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келди.
- 1933 йилда Наримонов номли етти йиллик мактабни, 1936 йилда Жиззах педагогика техникумини, 1941 йилда Ўзбекистон (Самарқанд) Давлат университетини тамомлади.
- Университетда таълим олиш давомида «Ленин йўли» вилоят газетасида, аввал, масъул котиб, сўнгра масъул муҳаррир ўринбосари, 1941 йилдан масъул муҳаррир бўлиб хизмат қилди.
- 1941 йилнинг август ойида у журналистик қаламини жанговар қуролга алмаштирди ва фронтга жўнаб кетди.
- 1942 йилда Шимолий-Ғарбий фронтнинг 38-ўқчи бригадаси политруги катта лейтенант Ш. Рашидов оғир ярадор бўлиб, юртига қайтади. Бу пайтда у бор-йўғи 25 ёшда эди.
- Ўттиз ёшида «Қизил Ўзбекистон» республика газетасига бош муҳаррир, бироздан кейин Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи Президиумининг раиси бўлди.
- Ўттиз уч ёшида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг раиси эди. У ўша пайтда Совет Иттифоқидаги энг ёш Президент эди. У бу вазифада 9 йил ишлади.
- 1959 йил март ойида қирқ ёшида Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи котиби вазифасига сайланди ва бу вазифада қариб 24 йил, умрининг охиригача ишлади.
- Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.
- Халқаро Ленин мукофоти совриндори эди.
- Асарлари дунёнинг қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинган.

Шароф Рашидов отаси Рашид бобо Халилов билан.

Ҳамюртимиз Шароф Рашидов вафотларидан сал аввал, 1983 йилнинг 5—7 октябрь кунлари Жиззахда бўлганди. У шаҳар ҳаёти билан танишди, кўпдан-кўп кишилар билан учрашди. Ва ниҳоят, 7 октябрь куни вилоят партия қўмитасининг мажлислар залида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида сўзга чиқиб, бундай деганди: «Мен, яқинда Эфиопиядан қайтаётиб, Москвада тўхтадим. У ерда мени Кремлга таклиф қилиб, Ўзбекистондан борган бир даста, — Шароф ака қўллари билан ярим қулоч жойни чамалаб кўрсатдилар, шикоят-хатларни кўрсатишди. Ҳаммаси менинг устимдан ёзилган. Шароф Рашидов болаларни пахтага ҳайдаяпти, Рашидов ундай, Рашидов мундай... Нима, Москвадагилар ўзбек болалари ўқишдан қолаётганини, куни-туни пахтазорда ўтаётганини билмайди, деб ўйлайсизларми? Улар ҳаммасини сизу биздан кўра яхшироқ билишади! Бу сўзларга эътибор беринг. Ўзбек болаларининг ўқишдан қолиши ҳам Москвадан режалаштирилган эмасмиди?! Хуллас, — дея сўзида давом этди Шароф ака. — Улар менга: «Сиз бу хатларга эътибор берманг, боринг-да, ҳеч нарсани ўйламай, пахтангизни териб олинг. Қанча гап бўлса, кейин гаплашаверамиз, дейишди»...

Ҳали-ҳали ана шу гаплар ҳақида ўйлайман. Бу сўзлар хотирамга муҳрланиб қолгандай Шароф акага терим охиригача яшаш насиб этмади.

Яна бир қизиқ ҳолат: Шароф ака кейинги ойда салкам барча вилоятларда бўлдилар, кишилар билан учрашдилар. Гўё умр сўнгида ўзи ўттиз тўрт йил бошқарган юрт билан батафсил, бетма-бет видолашмоқчидай. Ва шу таҳлид сафар чоғи жон таслим қилдилар.

Мен Шароф Рашидов руҳи олдида ўзимни ҳамон айбдордай ҳис қиламан. Биз, жиззахликлар шаҳримиз марказидаги Рашидов бюстини жойидан кўчираётганларида қўнгилдагидай ҳимояга чиқа олмадик. Журъатсизлик қилдик. Тўғри, вазият оғир эди. Чиқ, дейиши мумкин бўлган йўлбошчилар бир текис қамалган ёки қамалаётган эди. Лекин барибир ...кўнгилда армон. Ва энди ҳеч ким кўра кеч бўлса-да, биз ўз гуноҳимизни ювиш учун у кишининг туғилган кунини нишонлашга киришган эканмиз, бу вазифани сидқидилдан, кимгадир миннат қилиб эмас: балки ўз виждонимизга ором бериш учун бажаришимиз шарт. Нимасини айтасиз, Москва қонимизни зулукдай сўрди, топган-тутганимизни, эккан-тикканимизни бир текис шилиб кетди. Ва ана шундай шароитда Шароф Рашидов Ўзбекистон учун қўлидан келган ишнинг барини қилди. Чўл ўзлаштириш баҳонасида ҳар йили Москвадан миллиардлаб пул олди. 60—83-йиллари Ўзбекистонда 120 дан ортиқ шаҳар ва посёлкалар барпо этилди. Юзлаб совхозлар қурилди. Ободончилик кенг қулоч ёйди. Ўзбекистон катта қурилиш майдонига айланди. Айтинг-чи, Рашидовдан кейинги икки валломат бирон-бир қишлоққа биронта катак қурдирдимикан? Фақат сеҳрланиб юрганларию, қулупнай можаросидан ортиғига ярамадиларку! Яхши ҳамки, Президентимиз И. Каримов ўлганни ортидан ёмонлашдек ярамас коммунистча усулга барҳам берди ва ана шу сиёсатнинг натижаси ўлароқ биз бу йил Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлашга қаттиқ киришиб кетдик.

Аслида бу юбилейга тайёргарлик 1990 йилдаёқ бошланган эди. Ўшанда вилоят ёзувчилар уюшмаси Шароф Рашидов кадриятини тиклаш комиссиясини тузиб, бир қанча амалий таклифлар билан чиқди. Ўша йили — Шароф Рашидов вафотидан сўнг етти йил ўтиб биринчи бор! — ҳамюртимизнинг туғилган куни катта қийинчиликлар эвазига нишонланди. Ва бу ҳақда «Известия» мухбири, тузимизни ичиб, тузлиғимизга тупуриб кетган А. Орлов «Опять Рашидов?» мақоласи билан чиққан, шунга қарамай, биз ўз йўлимиздан қайтмаган эдик.

Эндиликда комиссия қўйган талабларнинг салкам бари амалга ошди, бир қанча жойларга Рашидов номи берилди. Жиззахдан олиб ташланган Рашидов бюсти юбилей куни очилади. Рашидов туғилиб ўсган уйга яқин жойдаги бир муҳташам иморат — Рашидов музейи

ЖИЗЗАХЛИКЛАР

АДОЛАТ РЎЁБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу фармонларни ижро этиш учун ўтган 9 ой мобайнида республика иқтисодиётининг танг аҳволига қарамай, 22303,8 миллион сўм сарфланди.

Халқимизнинг асосий қисми қишлоқда яшайди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси шаҳардагига нисбатан паст экани ҳеч кимга сир эмас. Барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар адолат юзасидан тўқроқ яшаши керак эмасми?

Қишлоқ хўжалигини тезроқ оёққа турғазиш учун, энг аввало, деҳқон (фермер) хўжаликларини кўпайтириш, қишлоқларда кичик корхоналар қуриш, шу орқали аҳолини иш билан таъминлашга эришиш зарур. Бу тадбирлар қишлоқни тараққий эттириш, ялпи даромадни кўпайтиришга ҳам ёрдам беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан кўпроқ фермер хўжалиги бор. Ула, а 80,6 минг гектар ер ажратилган.

Фермерлар ҳақидаги фармоннинг бажарилишини Давлат назорат қўмитаси мунтазам текшириб турибди. Республика агросаноат банкига деҳқонларга мол сотиб олиш учун 50 минг сўмга қадар нақд пул бериш топширилди.

Ҳозирча биз «рубл»нинг тазйиқида яшашга мажбурмиз. Ахир, қардош республикалар билан шунча йилдан бери давом этиб келаётган иқтисодий алоқаларни узиш шарт эмас. Аммо эндиги иқтисодий алоқалар янгича — тенглик ҳамда ўзаро манфаат асосида амалга оширилиши лозим.

Ушбу ўтиш жараёнида ижтимоий онгни шакллантириш катта аҳамият касб этади. Биз бепул таълим, тиббий ёрдамга ўрганиб қолганмиз. Коммунистик мафкура одамлардаги ташаббусни бўғиб қўйган эди. «Ҳамма нарса — давлат мулки» деган ақида мияга сингдирилиб, кишилар мулкдорлик туйғусидан бегона бўлиб қолган эди. Айни пайтда, давлат ҳамма ишимизни қилиб беради, дея қўл қовуштириб ўтирганлар ҳали анчагина. Шунинг учун ҳам мулкни хусусийлаштириш олдимизда тур ан катта вазифалардан бири ҳисобланади. Ана шу масъулиятли вазифани ўз вақтида, самарали амалга ошириш мақсадида республикада Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилди. Мулкчиликнинг турли шакллари — ширкат мулки, давлат мулки, акционерлик мулки, шахсий мулк ва бошқаларнинг ривож топиши нафақат рақобатни кучайтиради, балки халқ эҳтиёжларини тезроқ қондириш имкониятини беради. Муайян корхоналарни, аввало, маиший хизмат ва савдо корхоналарини хусусийлаштириш иқтисодни жонлантиришда катта роль ўйнайди.

Иншоолло, эзгулик тантана қилади, маънавиятларимиз батамом тикланади.

Бу борада Ш. Рашидов юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссияси ҳам муайян ишларни амалга оширди. Комиссия республиканинг барча вилоятларида ўтказиладиган юбилей тадбирларига бошқош бўляпти.

Юбилейнинг асосий тадбирларини Тошкент ва Жиззах шаҳарларида ўтказиш режалаштирилган. Табаррук тўйга атаб адибнинг «Эрк истар кўнгил», «Кашмир қушиғи» китоблари нашр қилинди. Шунингдек, у билан бирга меҳнат қилган сафдошлари ва юртдошларининг хотиралари ҳам китоб ҳолида чоп этилди. А. Рашидовнинг «Акам ҳақида», И. Сулаймоновнинг «Эл отаси эди» китоблари шулар жумласидандир. Ўзбекистон киночилари унинг серқирра фаолияти ва ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Шароф Рашидов» деган ҳужжатли фильм яратиб, газетамизга ҳадя этдилар. Газета ва журналларда, телевидение ва радиода Ш. Рашидовга бағишланган суҳбатлар, кўрсатувлар мунтазам бериб бориляпти.

Ишончимиз комилки, юбилей тантаналари нафақат адолатни тиклаш, балки мана шу мураккаб даврда одамларнинг бошини қовуштириш, олдимизда турган машаққатли муаммоларни баҳамжиҳат, бир ёқадан бош чиқариб ечишга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

ЭЗГУЛИК ТАНТАНАСИ

Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейи умумхалқ тантанаси байрамига айланиб кетди, десак муболаға бўлмас. Ҳар қандай тўй ва тантананинг жон қуйдириб, бел боғлаб хизмат қиладиган соҳиблари бўлади. Мухбиримиз Шароф Рашидов юбилейи комиссиясининг масъул котиби Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ билан суҳбатлашди.

— Тўйлар ташвиши билан ҳорманг, Шароф ака!

— Раҳмат.

— Айтишларича, Шароф отанинг юбилейига жуда кўп қардош ва чет эллик меҳмонлар ҳам ташриф буюриши кутилмоқда. Юбилей тантаналарининг шу даражада кенг қўламда тус олиб кетиши кутилгамиди? Унинг югур-югурлари, ташвишлари чарчатиб қўймаяптими?

— Чарчаш йўқ. Қайси ўзбек тўй устида чарчадим деган? Бироқ гапингиз тўғри: мана икки-уч кундир-ки, юбилей комиссияси аъзоларида туну кун ҳаловат йўқ. Чет эллардан, қўшни мамлакатлардан кела бошлаган меҳмонларни кутиб олиш, уларни жойлаштириш, олиб юриш... Хуллас, кўнгилларини овлаш осон иш эмас. Тантаналарга, айниқса, Шароф отанинг ўзи шахсан таниган, ардоқлаган жаҳонга таниқли азиз инсонлар ҳам таклиф этилганки, уларни отанинг ўзларидай қадрлаб, иззат-икром билан ҳурматларини жойига қўйиш бизнинг бурчимиз.

— Кейинги йилларда рашидовчилик компаниясига қарши фаол курашган кишилардан бири сифатида айтсангиз. Бугунги мана шу улкан тантаналар, ана шу хатти-ҳаракатларнинг натижасими ёки табиий жараёнми?

— Биласизми, саксонинчи йиллар қатағонида Ўзбекистон энг кўп талофат кўрган республика бўлди. Нега шундай бўлди? Нега ўзбек халқигина мана шундай оғир кунларга қолди? «Ўзбек мафияси», «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» каби даҳшатли бўҳтондан иборат айбномалар зўр бериб бутун дунёга тарқатилди? Чунки бу мустамлакачилик тузумининг яшнаб қолиши учун зарур эди. Ўша йиллари дунёнинг ҳеч қайси бурчагида бунчалар кўп одам қамоқларга тиқилгани йўқ. Шароф Рашидовни эса ғўридан олиб ғўрга солдилар. Москва зиндонларида не-нё биродарларимиз хорзор этилмади. Бундай мудҳиш адолатсизликлар мустамлака рамзи бўлган Африка, Ҳиндистон сингари юртларда ҳам содир этилмаганди? Мустамлакачилик эса ҳеч қачон гуллаб яшнамаган. Унинг иқрози муқаррар эди. Бироқ иқрози муқаррар деб қараб ўтириш ҳам мумкин эмасди. Гдлян ва Иванов каби жазо лашкарлари исканжасида эзилиб ётган юртдошларимизни ҳимоя қилиш зарур эди. Қатағон қурбонлари ҳимояси йўлидаги ҳатти-ҳаракатлар ана шу иқрозини бироз бўлсада, тезлаштирган бўлса ажаб эмас.

Бироқ бу соҳада республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг жасорати алоҳида бўлди. Агар ёдингизда бўлса, «Рашидов улуғ зот», деб биринчи ўша киши айтган эди. Унда КПСС ҳам, тоталитар тузум ҳам эгарда эди. Энди эса ботирлар кўп. Беш ой давомида Исмоил Жўрабеков бошчилигида ишлаган ҳукумат комиссиясининг хизматлари ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. Комиссия Рашидов ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, у кишига алоқадор жабрдийдалар тақдири билан боғлиқ улкан ишларни ҳал қилдики, бу тарих саҳифаларида қолажак.

— Демак, Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейини, аввало, адолат, қолаверса, эзгулик тантанаси дейиш ҳам мумкин?..

— Албатта, бу тўйни нафақат адолат ва эзгулик балки, камтарлик камсуқумлик, меҳр-шафқат, инсоний фазилатларнинг тантанаси ҳам дейиш мумкин. Чунки Шароф Рашидов ана шундай фазилатларни ўзида тўла мужассам эта олган буюк инсон, давлат арбоби эди.

— Шароф Рашидов фонди тузилганидан хабаримиз бор. Унинг бугунги аҳволи қандай?

— Рашидовнинг ўзи саховат бобида бемисл инсон бўлган. Шунинг учун бўлса керак, фондга беадад маблағлар тушиб ётибди. Бу борада Тошкент шаҳри ҳокимияти ва фуқароларига алоҳида ташаккурларимиз бор. Улар ҳисобидан 50 миллион сўм маблағ келиб тушди. Куни кеча Жиззахдан хабар келди: вилоят ҳокимияти 10 миллион, ўн иккита районнинг ҳар бири 1 миллион сўмдан пул ўтказишибди. Бу биргина вилоятдан тушгани. Энди у ёғини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

ИСТЕЪДОД ТАБИАТ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов туғилган кунининг 75 йиллигини нишонлаш юзасидан республикамизда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Публицист-журналист, узоқ йиллар «Қишлоқ ҳақиқати», «Сирдарё ҳақиқати» газеталарида муҳаррир бўлиб ишлаган Исмоил Сулаймонов ҳам у киши фаолиятига бағишланган «Эл отаси эди» рисоласини ёзиб тугатди. Қуйида мазкур рисоладан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Шароф Рашидович барча касб эгаларига, умуман инсонга саммий муносабатда бўлган. Лекин зиёлиларга, ижод аҳлига меҳри бўлакча эди. Ўзи зиёли, қаламкаш бўлганлиги учунгина эмас. Билишимча, ундаги чуқур ички маданият инъикоси эди бу. Ана шу соҳалар билан боғлиқ масалалар кўриладиган бўлса, бюро аъзолари, бўлим мудирларига қарата қуйидагиларни таъкидлаб қўйишни канда қилмасди.

— Истеъдод табиат томонидан ато этиладиган бебаҳо ва ноёб инъомдир. Истеъдодни институтларда, дорилфунунларда, ҳатто академияларда ҳам етиштириб бўлмайди. Истеъдодсиз кимса бир эмас, уч бор академияни битирса ҳам, ундан бирор нарса кутиш амри маҳол. Бордию бунинг иложи бўлганида ҳар соҳада истеъдодли кишилар ҳийла кўп бўларди.

Ижод аҳлининг омади (баъзилар учун балки «омадсизлиги») шунда эдики, Шароф Рашидов адабиёт, санъат, маданият соҳасини етук мутахассис сифатида чуқур биларди. Шу сабабли ҳар бир асарни ёки ижодкорни холис баҳолай оларди. Кимнидир асоссиз равишда осмонга кўтариш ё бўлмаса ерга уриш ниятида бўлган хатти-ҳаракатлар ҳеч бир истисносиз, самарасиз қолиб кетаверарди. Халқнинг, миллатнинг маънавий бойлиги бўлмиш бу соҳалар ривожини белгилайдиган йўналишларни, янги пайдо бўлаётган ижодкорларни ўзига хос зукколик билан бутун оқим жараёнидан ажрата биларди. Шу жиҳатдан Москвадаги «Советский писатель» нашриётининг директори Н. Лесючевскийга ёзган мактуби ҳам характерлидир.

«Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов яқин орада ўзбек совет адабиёти савия-даражасини белгилайдиган талантлардир.

...Сўзимга ишонаверинг: Абдулла Орипов шеърлари Сизга Расул Гамзатов, Эдуардас Межелайтис ва бошқа талантли шоирларнинг асарларини эслатади. Сиз ва биз бу ёркин талант билан чуқур, ҳар томонлама пишиқ-пухта ишлашимиз керак».

Шундай зукко, билими, мулоҳазаси кенг шахснинг республикада биринчи раҳбар бўлганлиги ҳақиқатдан ҳам ижод аҳли учун жуда катта бахт эди.

Зиммасида қанчалик оғир ва масъулиятли юк бўлишига қарамай, Шароф Рашидович эндиликда эл оғзига тушган қатор асарларни қўлёзма ҳолида ўқишга улгургани ҳамда биринчилардан бўлиб унга оқ фотиҳа берганлигидан кўпчилик хабардор. «Гирдоб» романи пайдо бўлиши билан тезда оғизга тушди. Муаллифни — Ўктам Усмоновни катта ижодий ютуқ билан табриклагани олдига бордим (ўша пайтда у Марказкомда масъул ходим бўлиб ишларди. Гап орасида кескин тўқнашувларга бой бу асар осонлик билан юзага чиқмаган бўлса керак, деган фикрни айтдим (гап шундаки у пайтларда ҳаётимиздаги камчиликлар ҳақида ҳали анча ҳадиксираб гапириларди).

— Э, нимасини айтасиз, — деди раҳматли. — Ҳеч ким ярамайди, ҳали хом асар, деб узил-кесил айтмайди, лекин уни чоп этишга ҳам шошишмайди. Ўйлаб-ўйлаб, не-не андиша ила асар қўлёзмасидан бир нусҳасини Шароф акага олиб кириб бердим. Бир ой ўтди, икки ой ўтди. Жим-житлик. Ўзимни ўзим қойиб бошладим: ҳамманикидан сеники муҳим, шундай деб ўйладингми. Ахир у одамнинг бошидаги ғапваси каммиди, энди сеники етмай турувди, деб. Шундай хаёлларда юрган кунларим чақириб қолди. «Чин диддан табриклайман, жуда муҳим, жуда зарур асар яратибсиз, азаматлик кўрсатибсиз, — деди Шароф ака қўлимни самимий сиқиб. — Халқимиз ташна бундай китобга. Чоп этишларини тезлаштиришни илтимос қилдим. Янги ижодий парвоз тилайман сизга».

Ўша пайтдаги ҳолатимни бир тасаввур этинг, кўз олдингизга келтиринг...

Кўпчиликка маълумки, асар қаҳрамонининг ҳаётдаги прототипи селекционер олим Содиқ Мираҳмедов эди. У «Қишлоқ ҳақиқати» таҳририятига тез-тез келиб турарди. Навбатдаги учрашувимизда ўз ҳаёти, ўша пайтда машҳур бўлган пахтанинг «Тошкент» нави яратилиши тарихини гапириб беришини илтимос қилдик. Ҳикоясининг якунида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб айтганлигига ҳамкасбларим гувоҳ:

— Агарда Шароф Рашидович бўлмаганида бу янги нав ҳам, мен ҳам бўлмасдим.

Бу гапларга унчалик тушуна олмагандай унга тикилиб қолдик.

— Ҳа, ҳа, ишонаверинглар, қарши кучлар мени эзиб, янчиб ташлаган бўлур эдилар. Бахтим бор экан, у киши илмий ишимдан хабар топиб, қизиқиб қолдилар, уни поёнига етказиш, республика бўйича бу навни кенг жорий этишга шахсан оталиқ қилдилар. Кўнглимни кўтариб, далда бериб турган ҳам Шароф Рашидовичдир.

Бир куни «Содиқжон, фан доктори бўлганмисан?», деб қолдилар. Мен иш билан бўлиб ҳали улгурмаганимни айтдим. Шунда институт раҳбарларини чақириб, менга керакли ҳамма шароитларни яратиб беришни тайинладилар. «Қанчадан-қанча фан докторлари ёқлаган илмий ишлар бор, лекин ҳаётда уларнинг самараси йўқ. Содиқжоннинг иш тажрибасини бутун халқ кўриб турибди. Шунинг ўзини тартибга келтириб, расмийлаштирса бўлади, чамамда».

Шундай қилиб, амалий ва назарий ишларимнинг барча самараси Шароф ака туфайлидир...

Шароф ака 60 ёшга тўлган кунида биз — оммавий ахборот воситалари раҳбарлари — З. Есенбоев (республика Давлат матбуоти комитетининг раиси), Зулфия Исроилова («Саодат» журналининг бош муҳаррири), М. Қориев («Совет Ўзбекистони» муҳаррири), Н. Тимофеев («Правда Востока» муҳаррири), Ш. Ниёзов («Ўзбекистони сурх» муҳаррири) А. Ислямов («Ленин йўли» муҳаррири), А. Исмоилов («Тошкент ҳақиқати» муҳаррири), Г. Владимиров («Звезда Востока» муҳаррири) ва камина тўпланиб, у кишини қутлагани бордик. Мириқиб суҳбатлашдик. Шунда кимдир ишларимиз ҳақида фикрингизни эшитсак, деб қолди.

— Ҳозир нима дейишим мумкин, зарур гаплар бюро ва котибиятда айтилаяпти, Ҳаммаларингиз ўз ўрнингизда, ишингизни билиб бажяпсизлар, Янги рўзномамиз «Қишлоқ ҳақиқати»ни мен алоҳида диққат билан кузатиб боряпман, — у шундай дедида, менга қараб қўйди, — улар кўп савоб иш қилишяпти — халқ оғзаки ижодиётини, бизнинг эсимиздан чиқиб кетган, инсонийлик ва қадриятларимиз улуғланадиган ижодиётни, ҳали қопқоғи дурустгина кўтарилмаган бош хазинанинг, қайнар булоқнинг кўзини очишяпти.

Республиканинг энг чекка қишлоқларидаги ёш ижодкорларни топиб, уларни руҳлантирадиган сўзлар билан ижод намуналаридан бериб боришаяпти. Аслини олганда ҳаммамиз ўз йўлимизни шундай бошлаганмиз.

Ҳа, эсимга келиб қолди, сизларга айтсам бўлади. Жиззахдан Тошкентга мендан анча олдин. Аҳмад Исмоилов келган эди. Машқий шеърларимдан юбордим. Бир пайт у ердан жавоб келди. Нима деб ёзилган денг, «Ўртоқ Рашидов, сиз баланд тоғларни қуйлагансиз. Сал пастроққа тушишни, ҳаётга яқинроқ бўлишни маслаҳат берамиз. Салом билан А. Исмоилов».

Ҳаммамиз бенихтиёр Аҳмад акага қарадик. Ҳижолат чекди шекилли қизариб кетди. Ш. Рашидов томонидан айтилган сўзлар таъна қилиш

АФСУС ҚУШИҒИНИ АЙТМАЙДИ ТИЛИМ!

«Кашмир қушиғи» асаридан парчалар

Ушбу қисса кашмир халқининг қадимий севги достони асосида ёзилди. Бу достонга талантли шоир, композитор ва ўқитувчи Дина Натх Надим музика яратган.

Шу зжойиб достонни яхши биладиган кашмирликлар билан қилинган суҳбатлар мени бу қиссани ёзишга илҳомлантирди.

АВТОР.

Гўзал водийдаги Гуллар боғи кўклам либоси билан ясанди. Кўзларни қамаштирувчи, дилларни севинч ва илҳомга тўлдирувчи турли-туман гуллар баҳор тонгининг шуълалари ва шабнамларини эмиб, ноз билан жилва қилади.

Чечаклар бир-биридан гўзал, бир-биридан чиройли, бир-биридан сербарг, бир-биридан серғунча.

Қуёшли тонг латофатини ўзига кўчирган ранг-баранг гуллар кенг водийни яшнатиб юборди. Бўйи чўзилиб, тўлишган барно қизларни эслатувчи бу ранг-баранг гуллар ўз чиройини кўз-кўз қилади, ўз жамолини тобора равшан кўрсатиб, баҳор фаслининг бир дунё севинчини тантана қилади.

Баланд-баланд тоғлар этагида камол топган Гуллар боғи шунча ҳаётбахш, шунча сеҳргарки, сонсиз-саноқсиз булбуллар, турли-туман қушлар шохлардан шохларга, гуллардан гулларга учиб ўтиб, очилай-очилай деб турган ғунчаларга термилиб, кун бўйи, тун бўйи маст бўлиб сайрайдилар. Улар дилларида тошиб, тилларида янграган ёқимли ва дилрабо куйларида гўзалларнинг чиройига мадҳия ўқийдилар, уларнинг боғини, шу боғ ҳаётини, гуллар муҳаббатини улуғлайдилар.

Гуллар боғида энг олдин очилган, ўз чиройи билан оламга шуҳрат ёйган гўзал Наргиздир. Наргизнинг хуснини куйламаган, унинг севгисига сазовор бўлишни, висолига етишни орзу қилмаган қуш борми! Уни бир кўрай, жамолига бир тўяй, деганлар озмунчами!

Мана, у оқ шоҳи кўйлаги устидан зангор бахмал нимчасини кийиб олган, бошига эса очилган гулнинг барча гўзаллигини акс эттирувчи, кичкина, шинам ва оппоққина дурра ўраган. Қулоқларига эндигина очилган гулдан исирға тақиб, ясаниб, ёшлик ва гўзаллик севинчлари, орзу-умидларига маст бўлиб, Гуллар боғида товланиб турибди.

Аммо унинг тим қора кўзлари маъюс: кимнидир соғинади, кимгадир интизор: қалбидаги муштоқлик ўти тобора авж олади, бағри ўртанади, унинг ёқимли куйи, булбулларнинг ва барча қушларнинг қўшиқларига жўр бўлиб, мусаффо тонг қучоғига, поёнсиз водийга тарқалади.

Наргиз олислардаги ёрининг йўлига кўз тикиб куйларкан, унинг куйи бошқа барча севгучилар куйидан нафисроқ, сўлимроқ, ёқимлироқ янграйди:

Жоним, йўлинг йироқдир,
Еринг сенга муштоқдир,
Кел, ўргилай, зор қилма,
Тунлари бедор қилма!
Баҳорда гул очилар,
Йўлга тушар йўлчилар.
Нечун йўлга тушмайсан,
Келиб мени қучмайсан!
Куни билан кутаман.

ШАРОФ НОМИ ШАРАФ ТОПГАЙ—ОЛЛО ЁР ЭТСА!..

МЕҲМОНЛАРНИ КУТИШЯПТИ

учун ажратилди. Шароф аканинг оила аъзолари музей учун у кишининг кийимлари, қўлёзмалари, ҳужжатли кинолеталар, овозлари ёзилган магнит леталари ва бошқа ардоқли буюмларни тақдим этдилар.

«Ўзбекфильм» киностудиясининг «Юлдуз», «Давр» ижодий бирлашмалари ҳамкорликда бадиий-публицистик фильм яратишди. Унга Баҳодир Музаффаров режиссёрлик қилди. Фильм икки қисмдан иборат бўлиб, у юбилей кунлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. Фильм жаҳон киносаҳналарига чиқарилади. Шу боисдан уни мукаммал яратиш устида катта меҳнат қилинди. Демократия шароитида яшаётганимиз ҳисобга олиниб, фильмга турли-туман, қарама-қарши фикрли кишиларнинг сўзлари киритилди. Унда Р. Ғуломов, И. Усмонхўжаев, Н. Худойбердиев, Д Кунаев, Ҳ. Алиев, Ф. Кастро, М. Горбачевлар Рашидов шахсига ўз муносабатларини билдирдилар.

19 апрель куни Форишда халқ миллий ўйинлари байрами, 20—25 апрелда Наврўзбулоқда мотоциклчилар мусобақалари ва бошқа тадбирлар Рашидов юбилейига бағишланди. Унда Америқо, Эрон, Япония, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон вакиллари қатнашдилар. Баъзиларга бу маъқул келмаяпти. Ҳар қандай катта-кичик тадбирни Рашидов номи билан боғлайвериш тўғри бўлармикан, деб мулоҳаза юритмоқдалар. Аввало биз ҳар қандай эмас, балки халқаро миқёсдаги тадбирларни буюк ҳамюртимиз номи билан боғладик. Рашидов номидаги совринлар таъсис этдик.

Биз катта тарихий воқеа олдида турибмиз. 5—6 ноябрь кунлари нафақат Шароф Рашидов туғилган кунни, балки топталган, ўрланган ва эндигина тикланаётган қадриятимизни кўзларимизга суртиб, байрам қиламиз. Агар яхши эласангиз, Москва аввал Шароф Рашидовга лой чаплади, ана ўшандан сўнггина «Ўзбеклар иши», «пахта иши» чиқиб қолди. Агар бахтимизга Шароф Рашидов тирик бўлганда эди, ҳеч ким Ўзбекистонга бу қадар юзсизларча тажовуз қилгани журъат этолмасди. Ўзбекистон ўз етакчисидан ажралгани туфайли ана шу аҳволга тушган эди. Ахир Д. Кунаевга, Г. Алиевга қанчалар ҳужум қилиб кўришди, аммо ҳар иккаласининг кўзлари тирик бўлгани учун ҳам Қозоғистон ва Озорбайжон биз каби сазойи қилинмади.

Менинг Москвада дўстларим кўп. Ўша қора йилларда улар менга нақадар қаттиқ таъна қилар, «эҳ, сиз, ўзбеклар...» дея «Правда», «Известия» ва бошқа газеталарда эълон этилган, кимларнингдир уйларидан топилган афсонавий олтинлар ҳақида гапиришарди. Мен эса «Асл ҳақиқат бундай эмаслигини, балки Ўзбекистонда бўлаётган воқеалар бутун СССРда томир отиб кетган ифлосликнинг, кўзбўямачиликнинг биҳ кўринишидир» дея уларни ишонтиролмасдим. Ўзбек бўлганим учунгина улар олдида гуноҳкор эдим.

Худога шукрки, у кунлар ўтиб кетди. Мана, Ислом Абдуғаниевич бошчилигида мустақилликка эришдик. Энди Москвага ҳеч нарсани тушунтириш ҳам, ишонтириш ҳам шарт эмас. Шу кунларга етказган эгамга минг бор таъзим!

Биз Жиззахда Шароф Рашидов байрамига катта тайёргарлик кўряпмиз. 6 ноябрь куни вилоят драма театрида адиб ва сиёсатчи Ш. Рашидовнинг туғилган кунига бағишланган тантанали кеча ўтказилади. Шу куни адиб бюстини ва музейини барча меҳмонлар иштирокида очамиз. Меҳмонлар эса, собиқ СССРнинг барча республикаларидан, ўндан зиёд хорижий мамлакатлардан ташриф буюрадилар. Улар орасида Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Борис Олейник, Гейдар Алиев, Динмуҳаммад Кунаев ва Шароф Рашидовнинг бошқа сафдошлари бўладилар.

Шаҳар катта сайлгоҳга айланади. Вилоятнинг барча районлари, қўшни вилоятдан санъаткорлар, моҳир ошпазлар, ҳунармандлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Биз барча яхши ниятли кишиларни, Шароф Рашидов хотирасига ҳурмати зўр ҳамюртларимизни 6 ноябрда ўтадиган Жиззах тантаналарига лутфан таклиф этамиз.

Ўктам ОЛИМОВ,
Жиззах вилояти бўйича Шароф Рашидов юбилейини нишонлаш комиссияси раиси, вилоят ҳокимининг биринчи муовини, Ўзбекистон халқ депутати.

ТОМОНИДАН АТО ЭТИЛАДИ

маъносида эмасди, шунчаки бошловчи ижодкорларга эътиборли бўлишни таъкидлаш маъносида айтилганди.

Умуман ёшлар ижодини зийраклик билан кузатиб бориш, улар орзусининг юзага чиқишига кўмаклашиш Ш. Рашидовни бошқа раҳбарлардан ажратиб турадиган ноёб хислат эди.

Жиззах даштидаги янги ташкил этилган хўжаликлар иши билан танишиб қайтиб келаётганимизда Сирдарё вилояти фирқа комитетининг биринчи котиби Носир Маҳмудов «Сирдарё ҳақиқати» таҳририятидаги муҳит, ходимларнинг малакаси, иш ва яшаш шароити билан қизиқди.

Кейин у вилоятда қанча ижодкор бор, улар нималар ёзишди, деб сўради.

— Шоира хотин-қизлардан борми? — деди у.

Мен эса борларини бирма-бир айтдим.

— Ўйлаб кўринг, яна бордир.

Яна икки номни айтдим: — бири — Баҳор, иккинчиси эса Ҳалима эди.

— Ҳа, Ҳалима қаерда ҳозир? Нима билан шуғулланаяпти? Уни қидириб топасиз. Аҳволни билинг. Ўзингизга ишга таклиф этинг.

— Турар жой масаласи оғир-ку бизда.

— Ҳал этамиз, масаланинг бу томонини мен зиммамга оламан. Тунов куни вилоятимизга Шароф Рашидович келган эдилар. Гап орасида Ҳалимани сўрадилар. Табиат унга ноёб истеъдод ато этган кўринади, ҳолидан хабардор бўлиб туринг, деб тайинладилар.

Орадан икки-уч кун ўтгач, Боёвутга бориб, бор гапни айтдим. Ҳалима хурсанд бўлди.

Орадан уч-тўрт ой ўтгач, Носир ака ўз ваъдасини адо этди. Ҳалима уйли-жойли бўлди. Ўша оддийгина тортинчоқ қизимиз эндиликда элимиз ардоқлаб номини тилга оладиган, шеър ва публицистик мақолаларини жон-дили билан ўқийдиган машҳур шоира, жамоат арбоби, жумҳуриятимиз хотин-қизларининг севимли ойномаси «Саодат»нинг бош муҳаррири Ҳалима Худойбердиевадир. Ундаги истеъдодни кашф этган эса марҳум Шароф Рашидов бўлади. Яхши одамларнинг назари тушган киши икки дунёда кам бўлмайди.

Баъзилар юқоридагиларни ўқиб, Амур Темурнинг «Гулистон» ойномасида чоп этила бошланган «Тузуклари»нинг, Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» китоби таржимасининг тўхтатиб қўйилганини, ўша пайтдаёқ эл орасида машҳур бўлиб кетган «Ўзбегим» шеъри, академик Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур тўғрисидаги рисоласи атрофидаги қаттиқ-қуруқ гапларни, «Тирик сатрлар» китобининг босмадан чиқиши билан йиғиб олиниши каби кўнгилсиз ҳолларни юзимга солишлари мумкин. Булар бўлган. Лекин бу кўнгилсиз воқеалар етмишинчи йилларгача бўлган. Мен сўзлаганлар ундан кейинги воқеалардир. Адолат бўлмоғи учун ҳаёлан (амалда худо кўрсатмасин) ўша давр, ўша муҳитга — 60 йилларга қайтайлик. Аксарият кўпчилигимиз (менинг ўзим ҳам) ўша «абадий барҳаёт таълимот»нинг этагидан маҳкам тутгандик, унга андак бўлса ҳам шак келтириш хаёлимизга ҳам келмасди. Ш. Рашидов эса бу борада ўз мавқеига яраша бизга намуна кўрсатарди.

— Республика раҳбарлари, қанчалик юксак мартабага эга бўлмасинлар, барибир бутунича марказга қарам эдилар. Уларнинг мавқеи Москвадан бўладиган кўрсатмаларни сўзсиз бажаришларини тақоза этарди. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон «қизил империя»нинг том маънодаги колонияси эди. Улар ҳоким, биз эса муте.

Иккинчидан ўзимиздан чиққан баллолар, марказга, ўзларининг ўша ҳукмрон мафкурага, тоталитар тузумга ўта содиқликларини, ўрни борми-йўқми суриштирмасдан, кўз-кўз қилиш илинжидаги кишилар ҳам оз эмасди. Яшириб нима қиламиз, худди шу тоифадагилар сиёсатнинг бўришига таъсир ўтказишга интиларди, уларнинг сўзлари эътиборга олинмаса, шов-шув кўтаришарди.

«Гулистон» журналида чоп этилган «Темур тузуклари»нинг ўзбекча таржимаси атоқли Ислом намояндаси, машҳур давлат арбоби, маршал Алихонтўра Соғуний қаламига мансуб эди. Таржима эълон қилингач, баъзи қўшни республикалардагилар бироз кўнгиллари ранжиганлигини билдиришди. Сўнгра биздаги русий забон қаламкашлар ўз норозиликларини айтишди. Кейинчалик эса Москвадагилар айюҳаннос солишди. Собиқ марказнинг кўрсатмаси асосида унинг биздаги ноиблари сохта олим ва қаламкашларни тўплаб, улардан фикр сўраган бўлишди. Шамолнинг қай томонга эсишига қараб, кеча айтган сўзларидан бугун тонадиганлар Марказга маъқул тушадиган гапларни айтишди, «илмий» хулосалар ҳам тайёрлаб беришган бўлди.

Шундай бўлиши табиий эди. Чунки «Темур тузуклари» жаҳон тарихида камдан кам учрайдиган бебаҳо ёдгорлик бўлибгина қолмай айни пайтда замон ва давр зуғумлари таъсирида ҳар бир Туркистонлик қалбининг энг чуқур ерига тушиб кетган ўтмиши, келиб чиқиши билан фахрланиш туйғусини аланга олдириб юбориши мумкин эди. Асарнинг шундай кучи, шундай қудрати бор. У билан танишган ҳар бир ўқувчида ўз Ватанининг ўтмиши ва ҳозири билан таққослаш ҳисси уйғониши табиий эди.

«Темур тузуклари» атрофидаги қаттиқ-қуруқ гаплар авж пардасига чиққан даврда эди, — деб хотирлайди Алихонтўра Соғунийнинг ўғли, иқтисод фанлари доктори, профессор Аҳмадёр Шокиров. — Бир кунни Танновбошидаги ҳовлимизга ҳуқуқшунос олимимиз Отавой ака Эшонов кириб келди. Отамларни йўқлади. Улар ҳол-аҳвол сўрашгач, Отавой ака бу ерга келишларидан муддаога ўтдилар.

— Тақсир, — деди у отамларга мурожат этиб, — мен бир омонат гапни етказгани келдим. Шароф Рашидов бориб, Алихонтўра домлага менинг номимдан «Темур тузуклари» учун катта раҳмат айтиб қўйинг, деб тайинладилар. Яна айтдиларки, бўлаётган гаплар тўзон пайтидаги чанглар, хас-чўплардир, ҳали шундай давр келадики, ҳамма нарса ўз жойига тушади, муносиб баҳосини олади ҳар кимса. Тақсирим кўнгилларини бузмасин, хаёлларига бирор ножўя фикр келмасин, деб қайта-қайта такрорладилар. Хурсанд бўлганимдан оёғимни қўлимга олганимча келаётганим шу.

Падари бузрукворимиз, (худо раҳмати насиб этган бўлсин ул зоти шарифга) аввалига қулоқларига ишонмагандай бўлдилар. Яшириб нима қиламан, «Темур тузуклари» атрофида бўлаётган паст-баланд гаплардан яхши хабардор эдилар. Кўнгилларидан нима кечаётганлиги фақат яратган Эгамга аён эди. Бизни ташвишга қўймаслик мақсадида бу ҳақда унча гаплашмасдилар. Шу топда ҳамон Отовой Эшоновга тикилганларича нималарнидир мушоҳада қилиб турардилар.

Отамиз дуога қўл очдилар. Аслида сўзамол, ажойиб нотиқ эдилар. Бу борада ҳам Худо у кишини ярлақаган эди. Лекин ҳозиргидек кўтаринки руҳни кўпдан бери кузатмагандим. Овозлари билинар-билинмас титрарди, жарангги ҳам ўзгачароқ туйилди менга. Падари бузрукворимиз Шароф Рашидов ҳақида ҳаяжон ила, қандайдир ички тўлқин билан дуо қиларканлар юрт бахтига, халқ бахтига у киши учун омонлик тилаб, обрў-эътиборини янада ошишини қайта-қайта илтижо қилдилар.

Аввалари — «Темур тузуклари» атрофида тўс-тўполон бўлаётган пайтларда, зуғум ва зўравонликка асосланган мафкура замонида бу воқеани айтиб бўлмасди. Эндиликда айтмасликнинг иложи йўқ.

Шароф Рашидовнинг инсонпарварлиги, ижод аҳлига эътибори беқиёслигини кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. У бу фоний дунёдан кетганлар ҳурматини жойига қўйиш, улар хотирасини абадийлаштириш, болаларига ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишни ўз бурчи, деб ҳисобларди.

Шукрларким, қадриятларимиз тикланаётган давр ҳам насиб этди. Ўтмишда замона зайли биланми, шайтон васвасаси биланми Шароф Рашидов хотирасига ноҳақ тош отганлар эндиликда, аввало, ўз руҳиятларини поклаш ниятида адолат сўзига лаб очмоқлари даркор, деб ўйлайман. Бутун ўзбек халқи кечиккан бу дил розилигини кўпдан бери кутяпти.

Бу улуғ инсоннинг дўстлари қанча кўп бўлса, душманлари ҳам шунча эди.

И. А. КАРИМОВ.

ЎЗ ҲАЛОВАТИНИ ЎЙЛАМАСДИ

Рашидовнинг миллатчилик туйғусидан келиб чиқиб, Темур каби ўтмиш қонхўр босқинчиларини улуғлаштиргани айниқса менга ёқмас эди. Эсимда бор, бу масалада Рашидов билан қаттиқ тортишиб қолиб, ўзимнинг позициямни Марказкомнинг бюросида ҳимоя қилишга ҳаракат қилдим. Рашидовнинг ғайри-қонуний ҳаттиҳаракати ҳақида КПСС Марказий Комитетини хабардор қилишни лозим топдим.

Р. НИШОНОВ.

Ахир Ўзбекистонга Рашидовнинг қилган меҳнатини, маърифатини ҳали ҳеч ким қилгани йўққу! Ким бундан кўз юмса кўр бўлади. Нишонов эса ўзининг айбини ювиш, ёпиш учун осилгани Рашидов, Ўзбекистон бўлиб қолди. Мингта Нишоновни жам қилса битта Рашидов чиқмайди-ку!

А. ҲУСАНОВ, Р. АҲМЕДОВ, Ю. НАБИЕВА, М. ШЕРҒОЗИЕВ, М. САЙФИДДИНОВА.

Шароф Рашидов ҳақидаги бундай қарама-қарши фикрларни ўқиб, бир-бирига солиштирар эканман, беихтиёр уни бир неча бор яқиндан кўрганим ёдимга тушади. Ана у чинордек коматини дадил тутиб, кўзлари ички бир ғурурдан порлаганча Ўзбекистон харитасига тикилмоқда.

Назаримизда гўё буюк одам хусусида улуғ одамларгина тўғри фикр юрита оладигандек туюлади. Аммо оддий одам ҳам бир кўришдаёқ кишининг фазилатларию қусурини тўғри англай билади.

Саҳар чоғи. Катта йўл ёқасидаги йўлакдан кетиб борардим. Фаррош узун супургиси билан йўлни супурмоқда. Бирдан автоинспекторларнинг жонсарак бўлиб ҳуштак чалгани, йўл бошловчи енгил машинанинг ғизиллаб келаётиб нималардир деганини эшитилиб қолди. Фаррош ҳам супуришдан тўхтаб йўлга қаради. Тез орада бошқа машиналар кузатувида қора машина ўта бошлади. Шунда қора машина ойнасидан атрофга ним табассум билан боққанча ўтаётган Шароф Рашидов сиймосига кўзим тушди.

— Тавба, шу йўлни ўн йилдан бери кузатаман, Шароф аканинг машинанинг орқа суянчиғига талтайиб, суяниб ўтирганини бирор марта ҳам кўрмадим, — деди фаррош машина орқасидан қараб қоларкан. — Мудом олдинга хиёл энгашиб, атрофга қараб кетаётганини кўраман.

Фаррошнинг гапи мени ўйлантириб қўйди. У улуғ бир зотнинг камтар, зийрак фазилатини тўғри англаб етган эди.

Шароф Рашидов ободончилик, қурилиш, бунёдкорлик ишларини жуда севар эди.

Қайга бормасин ҳатто кичик бир бино қурилса ҳам уни бориб кўрар эди. Бунга «Совет Ўзбекистони» газетасининг Жиззах вилояти мухбири бўлиб ишлаганимда ўзим гувоҳ бўлганман.

1982 йилнинг кузида Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли давлат хўжалигида Маданият саройи қурилди. Шароф Рашидов уни бориб кўрар экан, севинib деди:

— Раҳмат Умарқул, сизларга минг раҳмат қурувчи дўстларим, қаранг-а! Чўлда ҳам шундай гўзал бино қурса бўлар экан.

1983 йил 2 октябрь куни Шароф Рашидов Жиззах шаҳридаги Наримонов номли мактабининг янги биносини очиш маросимида қатнашгани келди. У машинадан тушгач, йўлнинг бир четида қўл қовуштириб турган кексалар билан кўришди. Таниш қариялари билан ҳазил-мутойиба гаплар айтиб қисқа суҳбатлашди. У анча ҳорғин кўринсада, ўзини дадил тутишга ҳаракат қиларди. Мен унинг ҳорғинликни сездирмаётган, самимий табассум билан майин жилваланиб турган улуғвор сиймосига ҳавас билан тикилардим. Икки чаккасининг кўкиш-қора тус олгани аниқ билиниб турарди. Ана у лентани қирқиб ичкарига юрди. Ён атрофдаги хос кишилар ўзаро шивирлашиб қолишди: «У кишига юқорига кўтарилиш мумкин эмас, айтсаларингчи, ахир!».

Хос кишилардан бири чамаси бу гапни Шароф Рашидовга айтишга жўраъ этди. Аммо Шароф Рашидов унга эътибор бермади. У мактабнинг учинчи қаватигача кўтарилди. Синф хоналарини кузатиб юриб, жуғрофия фани кабинетига кирди. Шунда у синф тахтаси ёнига илиб қўйилган Ўзбекистон харитасини кўриб қолдию, тетик қадамлаб харита ёнига борди.

— Эй биродарлар, ҳали Ўзбекистонда жуда катта ишлар қиламиз. Мана қаранг, Пахтакордан Форишга қараб темирйўл ўтказамиз. Форишда қандай қазилма бойликлар борлигини биласизми, у ажойиб бир шаҳарга айланади. Фориш даштига сув чиқарамиз. Ғоят унумдор тупроқ!

Шароф ота ўша куни бугунги ишлар, келажак юмушлари хусусида куйиб-пишиб, тўлқинланиб гапирди. Шунда у кўзимга яшариб кетгандек туюлди.

Шундай вақтлар келди: ўзбек халқи бошига маломат тошлари ёғилди. Республика раҳбарлари ҳам душманларга қўшилиб тош отдилар, ўлган одам билан аёвсиз жанг қилдилар. Шундай пайтларда мен ўзимга ўзим Рашидов ким эди, деб савол бераردим.

Шароф Рашидов қалбининг энг тўрига ўзбек халқи учун энг эзгу ниятларини яшириб, узоқни кўзлаб, халқи учунгина яшаган, ишлаган, ақлзаковатининг энг сўнгги нуқталаригача халқига бағишлаган бир буюк инсон эди.

Туроб МАҚСУД.

ЮРТДОШЛАР ЭЪЗОЗИ

Марказий «Ўрда» маданият ва истироҳат боғида 5, 6, 7 ноябрь кунлари Ш. Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигига бағишлаб катта тантаналар ўтказилади. Бу ерда Жиззах вилоят мусиқали драма ва комедия театри санъаткорлари концерт қўйиб берадилар, айтишувлар, ўлан ижроси ҳамда халқ ижодиётининг бошқа бир қанча йўналишлари, шунингдек пойга, кимўзар, тош кўтариш, сакраш бўйича мусобақалар бўлади.

* * *

Жиззах вилоят кутубхонасига кираверишда Ш. Рашидовнинг катта суратига кўзингиз тушади. Уни шу ерлик рассомлар чизган. Катта залда эса «Яна қайтиб келдингиз қалбларимизга» кўргазмаси очилган. Ундан адиб ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи суратлар, болалиги кечган юрт манзаралари ўрин олган.

«ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИН» САҲНАДА

Янгийўл шаҳар маданият уйида «Қудратли тўлқин» деб номланган театрлаштирилган томоша кўрсатилди. Ш. Рашидовнинг она юрт равнақи йўлидаги хизматлари акс эттирилган бу томоша янгийўлликларда катта таассурот қолдирди. Унда ўтган даврнинг машаққатлари, зиддиятлари, давлат арбобининг ҳаёти, мураккаб тақдири ўз аксини топган.

ШАРОФ АКА ЭККАН АПЕЛЬСИН

Республика жанубий — серқуёш Сурхон воҳаси ярим супротик ўлка. Бошқа вилоятлардан фарқли ўларок бу ерда хурмонинг ўнлаб навлари, шунингдек лимон, апельсин, мандарин каби шифобахш мевалар етиштирилади. Бу боғ-роғлар фойдаланилмай ётган ерларда Шароф Рашидовнинг маслаҳатлари билан барпо этилган. Термиз яқинидаги лимонарий маҳсулоти меҳнаткашлар дастурхонига файз киритмоқда.

Қизириқ туманига қарашли Охунбобоев номидаги давлат хўжалиги боғбони Панжи Суюнов Шароф ака ўз қўли билан эккан апельсин дарахтини меҳр билан парвариш қилмоқда. Яқинда бу ерга мармар лавҳа ўрнатилиб, унга «Бу апельсин кўчатини 1982 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси раҳбари Ш. Рашидов ўтказган» деган сўзлар ёзиб қўйилди.

Ч. ТУХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Туни билан кутаман.
Кел, ўргилай, боғимга,
Гуллар билан кутаман!

Наргиз тоғ этагидаги, водийдаги ажиб боғда, гуллар ичидаги ҳарсанг тошга суяниб, катта ва чиройли кўзларини юмиб, Бамбур ишқида ғойдо бўлиб, тобора баланд ва ёқимли овоз билан қўшиқ айтарди.

У қанча қўшиқ айтса, севимли ёри Бамбур унинг кўзларига сочларини силаб эркалагандай, ёқут лабларига лаб қўйиб, ширин-шакар бўса олгандай сезиларди.

Шунинг учун ҳам Наргиз ёр ҳаёлида ҳамиша қўшиқ ва ўйин билан яшарди, севинчини ҳам, ғам-аламларини ҳам дилрабо куй билан олисдаги ёрига баён этарди.

Наргизнинг қўшиғини эшитган гуллар севимли ёрни қидириб тополмаганлигини, у билан дийдор кўришишга муяссар бўлолмай алам чекаётганлиги, гўзал ёшлигини, тенгсиз ҳуснини, пок севгисини фақат Бамбурга бағишлаганини, усиз бахт дарёси сувидан баҳраманд бўлолмаслигини ва шунинг учун ҳам ўз Бамбурини умрбод излашга, уни топишга ва Гуллар боғида у билан қўшилишга аҳд қилганини англадилар.

Наргизнинг қалбидаги ишонч барча гулларни танг қолдирди. Улар англадиларки, шу ишонч мавжуд экан, унинг севгиси улғайиб, томир ёйиб, қудратли кучга айлана беради. Бундай қудратли севги билан тўлқинли дарёлардан, тубсиз денгизлардан сузиб ўтиш мумкин, бундай севги билан поёнсиз саҳролардан, чўққиларини булут қоплаган баланд-баланд тоғлардан ошиб ўтиш мумкин. Бундай улуғ севгига муносиб бўлганлар барча ҳавф-хатарлардан омон ўтадилар, зафар билан манзилга етадилар!

Наргизнинг севимлиси қанча узоқда бўлмасин, бу савдо қанча қийин, бу йўл қанча машаққатли бўлмасин, у ўз юрагидаги олижаноб севги тантанасига, севимли ёрини топиб бахтиёр ҳаёт кураражагига қаттиқ ишонади!

Қушлар чуғурлашиб, Наргизга савол берадилар:

— Наргиз, йўлинг олис,
етоласанми!
Ғовлар кўп, сен енгиб
ўтоласанми!
— Манзилга albатта
етаман, дўстлар!
Ғов бўлса, енгаман,
ўтаман, дўстлар!
— Агар Бўрон турса,
тўсса йўлингни,
Хорудлар ёпишса,
узса қўлингни.
Қумлар олов бўлиб
куйдирса агар.
Йўлларингни тўсса азим
дарёлар,
Уйлаган ўйндан қайтарми
дилинг,
Сўйла, афсусни айтарми
тилинг!
— Дўстлар, тўсолмайди
Бўрон йўлимни,
Узиб ташлолмайди Хоруд
қўлимни.
Қумлар олов бўлиб
куйдирганда ҳам,
Дарёлар тошса ҳам мен
туриб бардам.
Уйлаган ўйндан
қайтмайди дилим,
Афсус қўшиғини айтмайди
тилим!

Бўрон билан Хоруд вақтинча ўз тилакларига етдилар. Гўзал водий Гуллар боғи Бўроннинг даҳшатли ҳамласи оқибатида, сел ва дўл оқибатида, битмас-туганмас офат натижасида саҳрога айланди. Бу саҳрода майсалар ҳам, чечаклар ҳам йўқ, лолалар ҳам кўринмайди, қушлар, булбуллар ҳам сайрамайди, булоқлар қайнаб-тошмайди, сувлар оқмайди, қўй-қўзилардан ҳам асар йўқ, чўпонлар, деҳқонлардан ҳам.

Ҳаёт ва бахтнинг, ўсиш ва юксалишнинг ашаддий душманлари бўлган Бўрон билан Ҳоруднинг қадами етган чаман ана шундай тап-тақир ер, кимсасиз бўшлиқ, «одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган» дашт-биёбон бўлиб қолди.

Одам боласига ризқ-рўз бағишлаган деҳқончиликнинг азалий душмани Хоруд эндиликда гулларнинг сўлғин япроқларига, заъфарон вужудларига шира бўлиб ёпишиб, уларнинг қонини шимириб, танасини кемириб, барча ҳаёт томирларига заҳар сочарди.

Хоруд — гуллар офати, кўкатлар касодати, ажал келтирувчи жирканч ўлат... Унинг кийимлари қуриган дарахтларнинг пўстлоқларидан, хазон бўлган гулларнинг япроқларидан, касаллик ва сувсизлик оқибатида ҳосилга етолмай сомондай сарғайиб қуриган ўсимлик ва буғдой поя лардан тўқилган. Унинг бош ва оёқ кийимлари ҳам қуриб хазон бўлган ўсимликларнинг япроқларидан тикилган.

• *Савоб*

ЗИЁРАТГОҲ

Бундан бир неча йиллар муқаддам Тошкентнинг серқатнов гўшаларидан бири—атоқли давлат арбоби, адиб Шароф Рашидов дафн этилган майдонда ободонлаштириш ишлари лойиҳалаштирилган, ҳатто қурилиш ишлари бошлаб ҳам юборилган эди. Лекин адибнинг шахси, ижтимоий фаолияти атрофидаги адоватли гап-сўзлар кўпайганидан сўнг қурилиш тўхтаб қолганди. Яқинда жумҳуриятимиз аҳлининг дилига қувонч ҳадя этувчи умидбахш хушхабар тарқалди: Рашидов дафн этилган майдонга унинг бюсти ўрнатилар экан.

Дарҳақиқат, октябрь ойнинг бошларидан Тошкент шаҳар йўл қурилиш трестининг 2-бошқармаси қурувчилари мазкур хайрли ишни ўз зиммаларига олиб ишга киришдилар. Қурувчиларнинг тинимсиз меҳнатлари, тажриба ва маҳоратлари эвазига шаҳримизнинг марказида ўзига хос мужассама тайёр бўлди.

— Дастлаб қурилиш материалларининг етишмовчилиги туфайли, иш пайсалланди, — дейди участка бошлиғи Мўминжон Ризаев. — Лекин қурувчиларимиз ўз гарданларидаги вазифани белгиланган муддатда адо этиш учун ишни икки сменада ташкил этиб меҳнат қилдилар. Бюст супасини асосий кўча билан боғловчи йўлак ва унинг атрофларига мармар тошлар тўшалди. Ёнларига чим ётқизилиб, гуллар экилди ва сунъий суғориш иншооти билан жиҳозланди.

Маҳирона тайёрланган ушбу мужассама кишида катта эстетик таассурот қолдиради. Беҳосдан «устасига баллик» дегинг келади. Биз вақтдан фойдаланиб тош йўнувчилар бригадаси бошлиғи Федор Нигайни суҳбатга чорладик.

— Мужассамани қуриш бизга топширилганидан мамнунмиз, — деди у. — Чунки, Ўзбекистон истиқболи учун машаққатли ишларга қўл урган бир инсон сиймосини абадийлаштириш биз учун шарафлидир. Илгари Алишер Навоий, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев сингари халқимизнинг суюкли фарзандлари ёдгорликларини ўрнатишдек масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этган эдик. Шароф Рашидов мужассамаси бизнинг энг яхши ишларимиздан бири бўлди.

Қурилиш ишларининг кўнгилдагидек боришида бошқарма бошлиғи Жалолиддин Камолдинов, бош муҳандис Шокиржон Соғинтоев, ишчилардан Темурбек Суюнов, Виктор Осипов, Тоҳир Муҳиддинов, Володя Ботниковлар сидқидилдан меҳнат қилдилар.

Шароф Рашидов сиймоси қад ростлаган бу қадамжога ҳозирданоқ зиёратчилар ташриф буюриб, унга чуқур ҳурмат ва эҳтиромда эканликларини дилдан изҳор этмоқдалар.

М. ТУХТАНАЗАРОВ,
ТошДУ талабаси.

Буюк аждодларимизнинг барҳаёт руҳлари бугун ҳаммамизни бу ерда — тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкентда юз кўриштирди.

ЎЗБЕКЧА КАЛОМНИ ЭШИТИШДАН БАХТЛИМАН

Ватандошлар фестивали қатнашчилари билан учрашганда уларнинг тавозе билан ўзларини тутишлари, такаллуф ила суҳбатлашишлари, теран фикр юритишу ҳар сония ва нарсадан фойдали натижа чиқаришга интилишлари кишини завқлантириб, лол қолдиради. Суҳбатдошим — ширин каломли йигит Мурод Илҳом аста сўз бошлайди:

—Тақсирим, мен Германиянинг Гамбург шаҳридан келдим. Дорилфунунда домулломан. Тақдир ва йиллар шамоли йўл солиб ота-онам 30-йиллар Ватандан чиқиб кетган эканлар. Уларнинг бошидан не кунлар ўтган бўлса ўтди, у қаро кунлар ортда қолди. Уларни ҳамиша мусурмонобод юрт — Саудия Арабистони биринчи бўлиб қабул қилиб олган экан. Исмим ва наслим ким эканлигини ота-онамдан эшитар, улар билан Ўзбекистонни ёдлаб, ҳардамхаёл бўлиб юрар эдик.

Асли Тошкентнинг Жарариқ даҳасидан эканмиз. Ватанни кўриш, бир дам бўлсада одамлар билан суҳбат қуриш орзуимиз бўлиб келган. Сўнг Германияда ҳаёт бошладик. Отам ўзбек тилини унутмаслигимизни энг юксак вазифа деб бизга уқтирар эди. Тақсирим, Алишер Навоий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий ва бошқа кўплаб буюклар ким эканлигини мендан сўранг. Мен мана 38 йилдан бери қалбимга уларни жойлаб яшаяпман. Шу сабаб қалбим армону ғуруруга тўлган тоғдир. Бизни муқаддас ватанимизга яқинлашишимизга сира йўл қўймадилар. Отам армону соғинчда жилла бўлмаса юртга яқин ва дардкаш эл деб Саудияга кетиб, у ерда вафот этдилар. Онамнинг ёши 90 да.

Мен узоқ йиллар ўзбек тилида сўзлашувни эшитмакни орзу қилиб келдим. Шу кунларда кўча-куйда ёнимдан ўтиб кетаётганларни ўзбекча сўзлашишларини, учрашувларда, меҳмонхонада она тилимни эшитишимдан бахтлиман.

Тақсирим, ўзбеклар энди ўзини ташқарида намойиш қилиши керак. Мустақиллик энди бунга йўл очиб берган экан, бу файзли ишга, мана бизлар кўмаклашамиз. Қолган умрим, куч-ғайратимни шунга бахшийда қиламан. Лекин ташқари Ўзбекистон билан қомати, чиройи учун алоқа қилмайди. Уларга иқтисодий фойдали, зеҳнли, ҳамкорликка мос йўлдош бўлсагина назар ташлашади. Менинг бир тилагим — ўзбекистонлик ёшлар илмга куч беришсин. Илғор илмларни ўрганишсин. Жумҳуриятингиз раҳбарлари жаҳон илмини ўрганиш учун уларни ундаётган ва йўллаётган экан, бу келажакни ўйлаб қилинаётган ишдир.

Мен табаррук бу заминда юриб бир нарсани англадим. Ўзбекистон халқи ўз раҳбарларига ва келажакда яхши ҳаёт кечиришига ишониб яшаётган экан. Бу ҳозирда жуда муҳим ҳолдир. Аста-аста тўкин кунлар келар. Биз ҳам ишониб яшадик ва мана дийдорлашмак кунларига етиб келдик. Мен Ўзбекистонга бундан уч йил аввал ҳам бир келиб кетиб эдим. Шунда ҳаёт бошқача, истиқлол йўқ эди. Янаги келишимда янада гўзал ҳаётни кўришни истайман.

Сўнгги истагим, бундай фестиваллар доим ўтказилиб, ташқаридаги ўзбек ўғлонларига Ватан ўз топшириқларини бериб турсин. Бизнинг вазифамиз уни бажариш бўлсин.

Н. МАЪМУРОВ.

• Хотира

Фармонбиби опера театрига келди

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносида Ўзбекистон Халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори Зайнаб Садриеванинг хотира кечасига бағишланган анжуман-маросим бўлиб ўтди.

Кеча бошланишидан олдин унинг иштирокчиларидан бири — Ўзбекистон соғлиқни сақлаш Вазири Шавкат Каримовга савол билан мурожаат қилдик:

— Шавкат ака, бизга маълумки, шаҳримизнинг марказида жойлашган ушбу опера-балет театри биносида драматик асарлар бир баҳона сабаб қўйилмаса, умуман, намойиш этилмайди. Бугунги кунда опера-балет театрларини миллийлаштириш вақти келмадимикин!

— Саволингизни тушундим. Тўғрисини айтсам, биз бу соҳани санъаткорлардек чуқур тушунолмасак керак, деб ўйлайман. Чунки, ҳар бир томошанинг ўз мухлислари бўлади. Лекин айни пайтда, албатта, драматик асарлар қўйилгани маъқулроқ. Бунинг устига халқимизнинг ҳам талаби шунга кучли. Шу ўринда яна бир яхшиликнинг гувоҳи бўлиб турибман, хорижий юртлардан келган меҳмонлар ҳам ушбу кечада қатнашмоқдалар. Бу, албатта, Ўзбекистонимиз санъаткорлари шундай тадбир, учрашувлар орқали бир-бири билан келажакда яқин алоқалар ўрнатишидан далолатдир.

Анжуманни Ўзбекистон театр арбоблари Уюшмасининг Президенти Бернора Қориева очиб, Америка, Хитой, Исроил, Эрон, Қурия, Олмония, Афғонистон, Мўғилистон, Туркия, каби чет эллардан келиб, ушбу учрашувга қатнашаётган меҳмонлар билан таништирди. Сўнгра Тошкент, Андижон, Гулистон, Жиззах театрларининг санъаткорлари ижросида «Келинлар қўзғолони» спектакли томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Саҳна асар муаллифи Саид Аҳмад сардорлигида бир гуруҳ санъаткорлар чиқишди. Шунда у киши Зайнаб Садриева ҳаёт бўлганларида, 80 ёшга тўлиши, 200 дан ортиқ образ яратиб, халқимиз ҳурматига созовор бўлганлиги, санъат соҳасидаги беҳисоб хизматлари тўғрисида илиқ сўзлар айтди.

Санъаткорлар спектаклни ижро этиш давомида — Фармонбибининг ўғилларига қилган насиҳатларини Зайнаб Садриева ижросида магнит тасмасига ёзиб олинган овози қўйилгани йиғилганларни ҳаяжонга солди. Фармонбиби ролини ижро этган Фароғат Раҳматова ушбу кечани уюштирган Бернора Қориева ва саҳналаштирган режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат эрбоби Баҳодир Йўлдошевга миннатдорчилик билдирди.

Саҳна ўртасидаги Зайнаб Садриева портрети пойига гуллар қўйилиб, марҳуманинг руҳи шод этилди.

Спектакль тугагач томошабинларнинг фикр ва мулоҳазалари билан ҳам ўртоқлашдик.

Маҳмуда РАСУЛОВА: Мен Тошкент шаҳрида яшасам ҳам, 55 йилдан буён ушбу театрга биринчи маротаба киришим. Чунки бу ерда ҳамма вақт балет қўйилиб келган. Бу бизнинг ўзбек хотин-қизларига умуман, тўғри келмайдиган тамоша. Айни пайтда ўз динимиз, эътиқодимизни тиклаётирмиз. Бу опера-театрини батамом миллийлаштириш зарур. Мени яна бир таажжубга соладиган томони шуки, театрга буюк бобомиз Алишер Навоий номи берилган. Шундай экан, театрни тез кунлар ичида миллий тамошагоҳга айлантириб, бугунгидай учрашувлар, концертлар, ҳар хил тадбирлар марказига айлантирилса, айни муддао бўлур эди.

Юқоридаги фикрларда жон бор. Бундай таклифлар матбуот, радио ва телевидение орқали бир неча марта айтилди. Аммо шу соҳа мутасаддилари ҳамон сукут сақлашмоқда. Зора, хайрли ишнинг кечи йўқ деганларидек, мухлисларнинг эзгу ниятлари яқин кунлар ичида амалга ошиб қолса...

Комил Улуғ ХОЛДОР ўғли.
«Халқ сўзи» мухбири.

ТУПРОҒИ КЎЗЛАРГА ТЎТИЁ

ТОШКЕНТДА давом этаётган ёш ватандошларнинг халқаро анжуманида ўнлаб хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган ҳамюртларимизнинг фарзандлари, набиралари иштирок этишаяпти. Чет эллик юртдошларимиз Ўзбекистон саноат корхоналари ишчилари, пахтакорлари билан учрашиб, кўҳна шаҳарлардаги обидаларни зиёрат қилишмоқда. Умуман, Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, ишлаб чиқариш қуввати, олий ўқув юртлари билан танишишмоқчи.

Саудия Арабистони, Бельгия, Туркиядан ташриф буюрган меҳмонлардан бир гуруҳи Тошкент Давлат университетида бўлдилар. Университет ректори Т. Жўраев уларга олий илмгоҳ фаолияти, халқаро алоқалар, лабораторияларда яратилаётган кашфиётлар хусусида гапириб берди. Сўнгра хорижий юртдошларимиз дорилфунунинг филология, риёзиёт, география факультетлари талабалари билан мулоқотда бўлдилар.

Мухбиримиз меҳмонлар, таассуротлари билан ўртоқлашди:

ЎЗБЕКЧАЯМ ГАПИРАМИЗ

Алижон ОРИФХОН,
ТУРКИЯ.

— ОТАМНИНГ айтишларига қараганда, Қўқондан кетганимизда икки ёшда эканман. Аввалига Афғонистонда, сўнгра Саудия Арабистонида яшаганмиз. Падарим доим «сизларни ўқитиш, одам қилиш учун юртимни тарк этдим. Бўлмаса, оиламизни йўқ қилиб юборишлари тайин эди», дердилар. Лицейни битирганимдан сўнг Олмонияда — Техника университетида таҳсил олиб, нефть маҳсулотларини қайта ишловчи инженерлик ихтисосини эгалладим. Сўнгра АҚШда ана шундай корхона билан шартнома тузиб ишлай бошладим. Узоқ йиллар Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Германияда йирик иншоотлар қуришда қатнашдим.

Она юртимдан, халқимдан ёрдамимни дариғ тутмайман. Марҳамат, агар нефтни қайта ишлаш соҳаси бўйича маслаҳат керакми, амалий ёрдамми, тайёрман.

Ҳа. Болаларим бор. Қизим — Филиз Америкада туғилган. Ҳозир ўша ерда Туркистон тарихидан докторлик диссертацияси устида ишлаяпти. Менга Чўлпон асарлари нашр қилинган бўлса, олиб келинг, деган эди. Топдим. Ўқиб, ўзим ҳам хурсанд бўлдим. Ўғлим Ўқтой — Истамбулдаги иқтисод университетида сабоқ олаяпти.

Отам Қўқондаги уйимизни кўп бор таърифлардилар. Аммам қолганлигини ботбот эслардилар. Қидириб бордим. Бир муаллима онласи билан яшар экан. Аммам оламдан ўтибдилар. Аввалига уй эгасининг ўғли эканлигимни эшитиб, чўчиб тушди. Бизга уй керак эмас, сизга насиб этсин, агар бузилган у-бу жойлари бўлса, айтинг, ўзимиз олдинги ҳолига келтириб берамиз, дедим. Бечора ёришиб кетди.

Ўзбекистонда мени бир нарса ҳайрон қолдирди. Оврўпо, Америка қитъаси мамлакатларида бўлганман. Таниш-билишларим кўп. Ушаларнинг уйига бориб қолсам, фарзандлари танийди, аммо киринг, дейишмайди. Кимни сўраб келган бўлсангиз, ўшани рўпара қилиб қўйишади. Аммо Ўзбекистонда бунинг аксини кўрдим. Борган жойимизда отимизни ҳам, кимга, нимага келганимизни ҳам сўраб-суриштирмасдан ичкарига бошлаб кетишди. Кейин дастурхон атрофида танишиб олдик. Отам халқимизнинг одамшинавандалиги ҳақида гапирганда ичалик ишонқирамовдим. Уйга эсон-омон қайтиб борай, болаларимга, таниш-билишларимга таассуротларимни гапириб бераман.

Уйдами? Ўзбекчаям гаплашамиз.

БОБОЛАРИМНИНГ ЮРТИ

Ўқён Эркин ТЕМУР,
БЕЛЬГИЯ.

ДУНЕДА ватандан узоқда яшашдан ғурбатроқ нарса бўлмаса керак. Ёш бўлсам ҳам, кўп мамлакатларни кўрганман. Ўзбекистонимга келаётганимда самолёт ўринларига жойлашганимдан сўнг, стюардесса она юртимизга бораётганлигимиз билан қутлади. Хорижий заминда самолётда илк бор ўзбекча эшитдим. Биласизми, тилимиз халқаро миқёсда ўз ўрнини топаётганидан терим-га сиғмай кетдим.

Ўзбекистонга биринчи келишим. Эндигина икки кун бўлди. Ҳали режалаштирилган жойларни кўриб улгурмадим. Одамлар билан очилиб суҳбатлаша олганим йўқ. Шу боис таассуротлар ончалик кўп эмас. Эҳтимол, кетгунимча бошқа шаҳарларга ўтармиз. Ана ўшанда...

Ўтган йили ота-онам Тошкентга келиб, қариндошларимизникида меҳмон бўлишган. Бу ёққа келаётганимни эшитиб, менга уларнинг манзилларини тушунтиришди. Қўнғироқлашдим, учрашиб суҳбатлашдим, аммо уйларига ўтолмадим. Иншоолло, кейин норасмий сафар қиларман, ўшанда бафуржа танишиб кетиш ниятидаман.

Оилада уч фарзандмиз. Опам ўзбекчани менчалик билади. Синглим ҳали ёш, энди ўрганаяпти. Ўзим Брюссель университетининг тиббиёт факультетида ўқияпман.

Ўзбекистонни она юрт дедим. Аслида, бизга бобо юрт ҳисобланади. Бобомлар оиласи билан 1933 йиллари Қўқону Тошкентни тарк этиб, Афғонистонга ўтиб, жонларини омон сақлаб қолишган экан. Сўнгра озроқ муддат Ҳиндистонда, Туркияда истиқомат қилишган.

Сизларда шифокорларга яхши тўлашадими?.. Ундай бўлса, дипломли бўлай, ишлаб кетарман. Аммо Ғарб давлатларида дўхтирлар ёмон яшашмайди. Қисқа муддатда ўз уйи, машинасига эга бўлади. Бу ерда шуларни сотиб олса бўладими?.. Ҳа, ундай бўлса, ишласа ярашади. Балки келарман.

Суҳбатдош:
Исматилла ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САУДИЯЛИК ВАТАНДОШЛАРИМИЗ «ТУРКИСТОН»ДА

Ёш ватандошларнинг биринчи анжуманида энг катта делегация билан қатнашаётган Саудия Арабистонидан келган бир гуруҳ ватандошларимиз 3 ноябрь куни Тошкент давлат техника дорилфунунига ташриф буюриб, механика куллиётидаги ўқув жараёни билан танишдилар.

Сўнгра Ватан зиёратига келган, уни соғинган ватандошларимиз мамлакатимиз бозор иқтисоднётига ўтишида муҳим аҳамиятга эга бўлган «Туркистон» савдо уйига ташриф буюрдилар. Маълумки, «Туркистон» савдо уйи «Ўзбексавдо» ҳиссадорлик уюшмаси таркибида яқинда иш бошлаган муассаса бўлиб, Республикамиз бозоридаги талаб ва истакларни ўрганди, ҳамдўстлик мамлакатлари ва чет эллардан керакли молларни сотиб олади, жаҳоннинг турли мамлакатлари ишлаб чиқариш имкониятлари тўғрисида маълумотлар тўплайди ва чет эллар билан ҳамкорлик қилувчи корхоналарга маслаҳат ёрдами беради.

Ўзбекистон саноатида ишлаб чиқарилган турли-туман товар намуналари кўргазмасидан 10 мингдан ортиқ маҳсулот тури ўрин олган. Ватандошларимиз Хива гиламлари, Бухоро зардўзиси, Тошкент биллури, Самарқанд чинниси ва Наманган атласи намуналари қўйилган кўргазмани зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Ўзбекистон корхоналарида тайёрланаётган чинни ва биллур буюмлар нафақат Араб мамлакатларида, қолаверса, жаҳон бозорида обрў қозонажак, деб умид билдиришди ватандошларимиз.

Саудия Арабистонидан келган ватандошларимизни «Туркистон» савдо уйи билан таништириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев иштирок этди.

(ЎзА).

«ИСЛОМ НУРИ» ҲАФТАЛИККА АЙЛАНАДИ

1993 йилдан эътиборан «Ислом нури» жаридаси ҳафталик сифатида нашр этила бошланади. Мухбиримиз шу муносабат билан нашр бош муҳаррири Муҳаммад Шариф Жумон билан учрашиб, бу ўзгаришнинг боиси нимада эканлиги, жарида жамоасининг келгусидаги иш режалари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Бунинг боиси Мовароуннаҳр минтақасида туркий тилда ҳар икки — араб ва кирил ҳарфида нашр этиладиган ягона расмий-диний жаридага мусулмонларнинг тобора ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжларидир. «Ислом нури» жаридаси шу даврга ча араб ва кирил ҳарфларида ўн беш кунда бир марта нашр этилди ва имкон қадар мусулмонларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари учун хизмат қилди. Тезкор замон, шиддаткор воқелик жарида олдига кечиктириб бўлмас вазифаларни қўймоқда. Уларнинг бирламчиси исломий маърифатни мусулмон халқларимиз ўртасида кенгроқ ёйишдир.

Жаридада «Олий ҳулқ соҳиби», «Бедорлик», «Мусибатнома», «Фиқҳ» ва бошқа бир қатор рукнлар бор. Мўътабар исломий манбалар асосида тайёрланган «Улкан гуноҳлар» рукни икки йилдирки, инсон боласини залолат чоҳига итқитувчи кабира гуноҳлардан сақланишга чақиради. «Мусибатнома» рукни қатағон даврларида қатли ом қилинган мусулмонлар ҳаёти ва фожиали қисматини ҳужжатлар асосида ўрганади. Бу рукн остида босилган туркум мақола ва мактублар ўқувчиларнинг қайд қилинган мавзуга жиддий эътибор қаратаётганидан далолат беради. «Мусибатнома» рукни остида бундан кейин ҳам иймон-эътиқоди туфайли кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бало-ю қазоларга гирифтор қилинган шаҳид-шуҳадо уламоларимиз, мужоҳид боболаримиз ҳақида ҳикоя қиламиз. Келгусида худди шу мавзу атрофида масъул идоралар билан боғланишни, уларнинг фикр ва ақидаларини ўрганишни мақсад қилганмиз.

Жарида саҳифаларида Ислом тарихида ёрқин из қолдирган саҳобаи киромлар улуғ алломалар ҳақида теран мазмунли, ўз навбатида ибратли мақолалар бериб борчшни режалаштирганмиз. Мовароуннаҳр минтақасидаги дин пешволари, уламолар, шайхлар билан диний фалсафа, диний маърифат, Ислом аҳкомининг кенг халқ оммаси орасида тарғиб ва ташвиқ қилишнинг йўллари ҳақида қизиқарли мусоҳабаларни мунтазам уюштириб бориш кўзда тутилади. Жарида келгуси йили аниқ фанлар намояндалари билан дин уламоларининг «Фан ва дин», «Ислом ва ҳозирги замон», «Дин ва тараққиёт» каби мавзулардаги давра суҳбатларини уюштиради. Бу суҳбатлар жарида саҳифаларида тўлиғлигича нашр этилади ва китоб ҳолида чоп қилинади.

Буюк ислом файласуфи, улуғ мутасаввиф Хўжа Баҳоуддин Нақшбандий (Аллоҳ ул зотдан рози бўлсин) таваллудлари муносабати билан «Нақшбандия» мактаби хўжалари ҳақида туркум мақолалар бериб борилмоқда. Бу анъана келгуси йили ҳам давом этади. Шаръий масалалар хусусида муштарийлардан тушаётган кўплаб саволларга «Фиқҳ» рукни остида уламоларнинг жаволари бериб борилади. «Бедорлик» рукни Ислом дини шаъни ва обрўсини ҳимоя қилади ва турли иғволларга ўз вақтида жавоб беради. «Олий ҳулқ соҳиби» рукни остида бериладиган мақолаларда ўқувчилар пайғамбаримиз алайҳиссалому вассаламнинг аҳлоқи ҳомидаларидан баҳраманд бўладилар.

Жарида Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг расмий нашри сифатида идоранинг ички ва ташқи фаолияти, хайрия ишлари, масжид ва мадрасалар аҳволи, Ислом олийгоҳларида таҳсили илм қилаётган талабалар турмуши тўғрисида ҳам маълумот ва хабарларни ёритиб боради.

«Ислом нури»га обуна бўлинг.

Жариданинг обуна рақами 64611 (араб ҳарфида), 64612 (кирил ҳарфида). Жариданинг йиллик баҳоси — 130 сўм 20 тийин.

Манзилимиз: 700069 Тошкент шаҳри, Зарқайнар 18-беркқўча, 47-а уй. Телефон рақами: 40-08-23.

«Обуна-93» ҳангомаларидан

ШАВЛА КЕТСИН-У, ОБРЎ КЕТМАСИН

Илгари бирор газета ёки журналда босилган хабар, мақолалар ҳақида гап кетса, агар уни ўқимаган бўлсанг, тан олишга уялардинг. «Ҳа, кўрдим», — дердинг гапни қисқа қилиб ва кейин, албатта, уни топиб ўқишга ҳаракат қилардинг...

Энди эса...

— Мақолам чиқишидан мени хабардор қилиб қўйишни унутманг, — дея такрор-такрор тайинлаб кетишади айрим муаллифларимиз.

— Мен бехабар қолмадимми, асарим босилмадими ҳали? — дея қўнғироқ қилишади озгина муддат ўтгач.

Ва бир ажойиб куни ҳаяжонланиб кириб келишадида:

— Э-э, раҳмат! Ўртоқлар айтишди, мақоламни газетада чиқарибсизлар. Лекин ўзим кўролмадим. Айтиб қўймабсизлар-да! Энди ҳеч қаердан тополмаяпман. Газетанинг ўша сонидан учтўрт донагина берсангизлар... — дейишади.

Гап таҳририятимизга бир шапалоқ хат йўллаган ишчию деҳқонлар ҳақида эмас, умр бўйи қаламнинг учи билан кун кўрган, машҳур бўлган баъзи зиёлилар ҳақида бораяпти. Сўровчилар қандай ҳолатда бўлишади — буни билмадим-у, лекин айни вазиятда биз ўзимизни ноқулай сезамиз. Йўқ, бугунги кунда тийинни чақага улаб кун кўраётган матбуот жамоаларида газеталар аввалгидек (ўн тийинлик пайтидагидек) тахлам-тахлам ётмагани учун эмас, ҳалиги... қаршимизда турган зиёли муалифимизнинг ўз асари чиққан газетани йиғиб қўйиши-ю, бошқа сонларни олиш ҳам, ўқиш ҳам шарт эмас, деган хулосага келгани ва бундан заррача ҳижолат чекмаётганидан уялиб кетасан...

Қиссадан ҳисса шуки, эрталаб нону чойдан ҳам олдин қўлига «қайноқ» газеталарни олиб, юрт нафаси, дарду қувончларига қизиқадиган дўстларимиз «Халқ сўзи»га аллақачон обуна бўлдилар. Бироқ...

Келгуси йили ҳам фақат ўзи ёзган асарларини ўқиш ниятида бўлган азизлар, ҳалиям кеч эмас, газетага обуна бўлинг. Чунки, бир ботса-да, айтамиз: аввало газета таҳририяти ҳар куни ўнлаб муаллифларни мақолалари босилаётганидан огоҳ этишу кейин уларни газета билан таъминлашга кафил эмас. Қолаверса, янги йилда ҳам ҳижолатбозлик давом этмасин, бир-биримиздан ихлосимиз қайтмасин...

МУҲТАРАМА

ОБУНА—93

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Фақат «Ахборотнома»дагина Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинган қонунлар, қарорлар, уларга киритилган ўзгартишлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорлари, республика маъмурий-ҳудудий бўлинишидаги ўзгаришлар мунтазам эълон қилинади.

«Ахборотнома» ўзбек ва рус тилларида ҳар ойда нашр этилади.

ОБУНА БАҲОСИ:
бир йилга — 360 сўм;
олти ойга — 180 сўм;
уч ойга — 90 сўм;
бир ойга — 30 сўм.

НАШР ИНДЕКСИ: 75220.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 22.00. № Г—469. Тираж 28596. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.